O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 28-avgust, shanba № 68 (8301) ISSN 2010-6416

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Кумушдек тер тўксанг, Гавҳардек дур оларсан.

Ўзбек халқ мақоли

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан юртдошларимиздан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари билан мукофотланиб, юксак орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Мукофотланганлар орасида ўз ҳалол меҳнати билан баркамол авлодни вояга етказиш, миллий истиқлол ғоясини юртдошларимиз қалбига сингдириш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган таълим ва фан соҳаси ходимлари ҳам бор. Уларни самимий муборакбод этамиз.

Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотландилар:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Кайимова Фазолат Камоловна — Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси, Навоий вилояти

Мирзалиева Карима — Наманган шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Нигматов Хамид Гуламович — Бухоро давлат университетининг «Ўзбек филологияси» кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Нишанова Гавхарой — Мирзаобод туманидаги «Нурафшон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

Сейтназарова Базаргул Райхановна — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси


Сувонқулова Хосиятхон — Бешариқ туманидаги «Қоражийда» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

(Давоми 2-бетда.)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ўзбек халқига халқаро ташкилотлар раҳбарлари, МДҲ ҳамда хорижий давлатлар президентлари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келишда давом этмоқда.

Жумладан, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Индонезия Республикаси Президенти доктор Х.Сусило Бамбанг Юдхойоно, Рим Папаси Бенедикт XVI, Босния ва Герцеговина Президиуми Раиси доктор Харис Силайжич табрикномалар йўллаган.



Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида Фарғона вилояти Ёзёвон туманида «Баркамол авлод» маркази фойдаланишга топширилди.

Марказ қошида очилган ўқув курсларида ёшлар компьютер саводхонлиги, тикувчилик, пазандалик, сартарошлик каби йўналишлар бўйича касб-ҳунар эгаллаш имконига эга. Бундан ташқари бу ерда 200 ўринли умумий овқатланиш шохобчаси, ўндан ортиқ саноат, озиқ-овқат, қандолатчилик дўконлари хизмат кўрсатмоқда. Марказ ишга туширилиши билан 200 нафар йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлди.

Суратларда: Ёзёвон туманида бунёд этилган «Баркамол авлод» маркази фаолиятидан лавҳалар.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилади.

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги ахборот тингланди.

Қўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ва бошқа масалалар бўйича қарорлар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Ялпи мажлисда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, жумладан, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасини, суд-ҳуқуқ ислоҳотини такомиллаштиришга, ҳуқуқ-тартиботни ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашга, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган йигирмага яқин қонунни кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар бу борада «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида қабул қилинган, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш масалаларини тартибга солишга ҳамда болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг, ота-оналарнинг, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёш авлод учун масъулиятини оширишга қаратилган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳимлигини таъкидладилар.

Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини, гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда кредиторларнинг манфаатлари муҳофаза қилинишини назарда тутадиган ҳуқуқий нормаларни, пенсия таъминоти ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа қонунлар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат санитария назорати ва давлат статистикаси органлари раҳбарларини тайинлашни тартибга солиш, солиқ органлари тизимини модернизация қилиш, солиқ маъмурчилигининг замонавий усуллари ва механизмларини жорий этиш, монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизими ва рақобат муҳитини ривожлантириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган нотариат институти фаолиятини такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ бир қатор қонунларни муҳокама қилиш белгиланди.

Сенаторлар жиноят ишлари юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ваколатли органлари ўртасида халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг амалдаги тизимида тергов-суд амалиётини шакллантиришнинг, инсофсиз ва яширин рекламани амалга ошириш ҳолларига чек қўйишнинг, реклама материалларини тарқатишда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилинишини таъминлашнинг, шунингдек, рекламани жойлаштириш тартибини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришнинг, пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш, пиротехника воситаларининг қонунга хилоф равишдаги муомаласи ва улардан фойдаланиш соҳасида самарали давлат назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий базасини яратувчи қонунларни ҳам кўриб чиқадилар.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

МАКТАБ ДАФТАРЛАРИ
улар ўқувчини жаҳолатга эмас, саодатга етаклаши зарур
3-бет

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ
7-бет



8—9-бетлар

МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС — ХАЛҚ БОЙЛИГИ
11-бет

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Жасорат» медали билан

Альмухамедов Лизаф Фазилович — Самарқанд шаҳридаги 59-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг ўқитувчиси

Даулетбаев Нурлибай — Қанликўл туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Матякубова Айгул Сабировна — Шовот туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби кутубхоначиси, Хоразм вилояти

Хусанов Артиқали Зиёдинович — Марҳамат туманидаги «Турон» ногиронлар ўқув ишлаб чиқариш маркази директори, Андижон вилояти

Эргашев Абдиолим — Қарши давлат университетининг доценти, Қашқадарё вилояти

«Шуҳрат» медали билан

Абдурахмонова Сабохат Абдукаҳаровна — Республика Маънавият тарғибот марказининг Янгиобод тумани бўлими раҳбари, Жиззах вилояти

Асадова Гульчехрахон Кадировна — Олтиариқ туманидаги «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

Исмайлова Зинегуль Аблакимовна — Томди туманидаги «Томдибулоқ» овул фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Навоий вилояти

Назаров Бекзод Жураевич — Шаҳрисабз педагогика коллежининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, коллеж «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси, Қашқадарё вилояти

Соатова София Абдуллаевна — Бандихон туманидаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

Турабекова Дилбар Абидовна — Яккасарой туманидаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

Фарманова Нарпашша — Ховос туманидаги «Оқчангал» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

Холбутаева Мукаррам Атабаевна — Зарбдор туманидаги «Лалмикор» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

Эсонова Гулхумор — Олтинкўл туманидаги «Чаққон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан мустақилликнинг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Мукофотланганлар орасида давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштирок этаётган таълим тизими ходимлари ҳам бор. Уларни самимий муборакбод этамиз.

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотландилар:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Шахисламов Шамиль Шарифянович — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Мискинов Бахтиёр Каримович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи

Усмонов Бахтиёржон Баҳодирович — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Андижон техник мактаби ўқитувчиси

«Шуҳрат» медали билан

Турғунов Дониёр Даминжонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бўлим бошлиғи

Шералиева Дильнара Маннаповна — Фарғона ҳарбий академик лицейи ўқитувчиси

Taqdimot

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мажлислар залида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан тайёрланган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» номли илмий-оммабоп рисола тақдимоти ўтказилди. Республика олий ўқув юртлари проректорлари, профессор-ўқитувчилари, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари устозлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари иштирок этган тақдимот маросимида Олий ва ўрта махсус таълим вазири Баҳодир Ходиев ўз сўзида тараққиётнинг ўзбек моделига хос устувор тамойиллар дунё жамоатчилиги, хусусан, таниқли олимлар, йирик компаниялар раҳбарлари томонидан кенг эътироф этилаётгани, мазкур рисолада Президентимиз раҳнамолигида ўн тўққиз йил давомида мамлакатимизда эришилган ютуқлар атрофлича ёритилгани тўғрисида гапирди.

Рисола муаллифлари — Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув ишлари бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Адҳам Бекмуродов ҳамда иқтисод фанлари номзоди, доцент Убайдулла Ғафуров Президентимиз қарори ижросини таъминлаш юзасидан тайёрланган қўлланмани ўрганиш бўйича услубий тавсияларини йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

Тарғибот-ташвиқот ишларида ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт даврини тўлиқ қамраб олиш, жараёнда қиёслаш усулидан кенг фойдаланиш, бугунги кунда «оммавий маданият» ниқоби остида юртимизга кириб келаётган хуружлардан огоҳ бўлиш, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, «Баркамол авлод йили» давлат дастурининг ижобий самараларини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш юзасидан ҳам асосли таклифлар билдиришди.

Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков мазкур рисола аҳамияти тўғрисида фикр юритиб, истиқлол йилларидаги ривожланиш ва юксалишлар ўқитувчиларнинг Август кенгашларида, Мустақиллик дарсларида фахр билан тилга олиниши ва таҳлилга тортилишини қайд этди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари Гулнора Йўлчиева эса ушбу рисола 10130 маҳалланинг ҳар бирига тарқатилиши, унинг моҳияти аҳоли орасида кенг тушунтирилиши режалаштирилганлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбир якунида иштирокчиларга мактаб, маҳалла, олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган тарғибот-ташвиқот ишларига чуқур тайёргарлик асосида ёндашиш зарурлиги таъкидланди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЮКСАК ЭЪТИРОФ ВА ИФТИХОР РАМЗИ

28 август — Ўзбекистон Республикаси “Эл-юрт хурмати” ордени ва “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони таъсис этилган кун



Мамлакат шаъну шавкатини улуғлаб, ўзининг фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни рағбатлантириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган оқилона сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Зеро, истиқлол юртимизда инсон меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, ҳар бир кишига ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этишдек беқиёс имкониятларни яратди.

Ана шу эзгу мақсад йўлида истиқлол йилларида миллий ўзлигимизни, тарихий анъаналаримизни, қадриятларимизни акс эттирган орден ва медаллар, фахрий унвонлар таъсис этилди. 1998 йилнинг 28 августида таъсис этилган “Эл-юрт ҳурмати” ордени ва “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони ана шундай юксак мукофотлардандир.

“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мамлакатимиз мустақиллигини, иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий ва жамоат ишлари, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган мамлакатимиз фуқаролари мукофотланади. Мазкур орден, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин.

“Эл-юрт ҳурмати” ордени мамлакатимизни янада равнақ топтириш, буюк аждодларимизга муносиб баркамол авлодни тарбиялаш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилишда юртдошларимизга маънавий қудрат, кучли рағбат бўлиб хизмат қилмоқда.

Орден марказида рангли йўл билан ҳошияланган Регистон меъморий мажмуи, мафтункор водий ва фусункор тоғлар узра мовий осмон, тобора порлаётган қуёш ўз аксини топган. Бу – бой тарихимиз, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз, эртанги ёруғ кунимиз рамзидир...

“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони она юртни жаҳон узра танитишга, Ватанимиз шуҳратини кенг ёйишга улкан ҳисса қўшаётган юртдошларимиз учун муносиб рағбатдир. Бу юксак мукофот умидли ёшларни янгидан-янги ғалабалар, янада юксак марралар сари илҳомлантириши шубҳасиз.

Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Президентимиз раҳнамолигида спортни янада ривожлантириш, ўзбек спортининг довруғини дунёга таратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш борасида ноёб тизим шаклланди.



“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони бу борада ёшларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик намунасидир. Ушбу юксак фахрий унвон жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро спорт анжуманларида зафар қозонган, нуфузли турнирлардаги ютуқлари билан Ватанимиз шону шуҳратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Дарҳақиқат, ўз меҳнати самарасини кўриш, улкан хизматлари эътироф этилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиш, мамлакатнинг ифтихорига айланиш ҳар бир инсон учун катта бахт, энг олий саодатдир.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

МАКТАБ ДАФТАРЛАРИ

улар ўқувчини жаҳолатга эмас, саодатга етаклаши зарур

Dolzarb mavzu

ДЎСТ ШУНЧАКИ ТАНЛАНМАЙДИ

Айни пайтда барча ўқувчилар мактабга тараддудланган — остонада 2 сентябрь — Билимлар куни. Ота-оналар ҳам ширин ташвишда — фарзанди мактабга боради. Табиийки, ҳар бирининг истаги бир, мақсади муштарак: ўғил-қизи энг аълочи ўқувчи бўлади! Бунинг учун эса, истаган ўқув қурол-ю, кийим-кечакни олиб беришга тайёр. Мактаб бозорларини айланиб, беихтиёр кўнглингиз шодланади: истаганингиз муҳайё.

Шу ўринда бир савол туғилади: фарзандингиз ўқув қуролларини танлашда нималарга эътибор қаратаяпти, эътибор бердингизми? Аслида бу жараён ҳам тўғри йўлга солинган, эзгу ишларга чорлайдиган, қолаверса мушкулни осон этувчи дўст танлашдек масъулиятли. Сабаби, ушбу воситалар энди бир ўқув йили давомида унинг доимий ҳамроҳига айланади. Тўғри, ўқув қуролларининг ҳам салбий жиҳати бўладими, деган эътироз туғилиши табиий.

ФОЙДАЛИ БУЮМ: у қай ҳолда зарар келтиради?

Аслида, ҳар бир ўқув воситаси эзгуликка тарафдор. Аммо унинг ортидан фақатгина шахсий манфаат кўзланган бўлса, бу жиҳат қарама-қарши томонга хизмат қилиши эҳтимолдан холи эмас. Энг аввало, шуни унутмаслик лозимки, ўқув қуроллари бу – саноат маҳсулоти. Улар бир неча кимёвий ва технологик жараёнлар асосида тайёр буюмга айланади. Шу нуқтаи назардан, ушбу жиҳозларнинг санитар-гигиеник талаблар асосида ишлаб чиқарилиши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ёзув дафтарлари алоҳида эътибор талаб этади. Зеро, ёзув — ўзлаштирилаётган билим ёки малакани янада мустаҳкам муҳрлашга хизмат қилади. Бунда дафтар қоғозининг сифати, чекка чизиқлари ранги, узлуксизлиги, дизайни боланинг кўриш органидан ўзига хос куч талаб қилади. Айниқса, нашр сифатининг юқорилиги ҳали етарли ёзиш малакасига эга бўлмаган мактаб ёшидаги болалар учун жуда муҳим. Чунки, сифатсиз қоғозда ишлаш бола соғлигига маълум даражада таъсир кўрсатиши баробарида, тез зериктиради ва илм олишга бўлган рағбатини сўндириши мумкин.

Иккинчи жиҳат: у ҳам муҳимликда биринчисидан қолишмайди. Дафтар муқовасидаги тасвир — ўқувчининг доимий эътибори қаратиладиган объект. Бир ўйлаб кўринг-а, агар бола бир сутканинг саккиз соатини уйқуда ўтказса, қолган вақтнинг асосий қисми — мактабдаги дарс машғулотларида ва уйга вазифани бажариш давомида беихтиёр ана шу ўқув қуролларига мурожаат қилиши табиий. Ундаги илғанар-илғанмас сурат эса беихтиёр боланинг диққатини ўзига тортади. Демак, ўқув қуролларини танлашда унинг маънавий жиҳатдан рисоладагидек безатилганлигига ҳам жиддий эътибор бериш талаб этилади. Бу айниқса, бугунги бозор иқтисодиёти кенг ривожланаётган ва зимдан ғоявий курашлар авж олган мураккаб даврда янада долзарблик касб этади.

МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ: у эътибордан қувватланди

Табиий савол туғилади: хўш, айни кунда республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган мактаб бозорларида савдога қўйилган ўқув қуролларининг мазкур жиҳатларига нечоғлик эътибор берилмоқда-ю, у қандай тартибга солинмоқда? Ушбу саволлар билан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Рўзмат Сафаевга мурожаат қилдик.

— Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ таълим сиёсатига давлатимиз томонидан устувор аҳамият қаратиб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан, ўқувчиларимизнинг зарур ўқув қуролларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш учун тадбиркорлар ва ишбилармонларга кенг имкониятлар яратиб берилди. Бунда айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги "Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўта муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу орқали матбаа фаолияти билан шуғулланувчи маҳаллий корхоналар қўллаб-қувватланиб, маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ошишига замин яратилди. Натижада, бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мустаҳкам ҳимоя қилиниб, матбаа саноати учун четдан келтирилиб фойдаланилаётган хомашё ва материалларнинг қўшимча қиймат солиғи ва божхона тўловларидан озод этилиши ички бозорни маънавиятимизга зид бўлмаган, миллий анъаналаримизга мос равишда безатилган ўқув дафтарлари, альбомлар ва ўқув қуроллари билан тўлдириш имконини яратди.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, шу пайтга қадар ҳар йили хориждан юртимиз бозорларига 150 млн. донадан зиёд дафтар маҳсулотлари олиб келинаётган эди. Бу эса табиий равишда таннархнинг юқори бўлишидан ташқари, тиббий-гигиеник ҳамда безатилиш жиҳатдан фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир этмасдан қолмасди.

— Таҳлиллар давомида шундай фактлар аниқландики, — дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Матбаа корхоналарини сертификатлаштириш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Қурбонгали Мадёров, — ҳатто айрим давлатлар ўз "маҳсулот"ларини Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистонга экспорт қилаётган корхоналарга мамлакат иқтисодиётига валюта олиб кираётгани учун 25 фоизда субсидия — қайтариб берилмайдиган қарз ҳам беришга тайёр экан. Бунда асосий даромад дафтар маҳсулотларидан эмас, аксинча унинг муқовасида берилган қайсидир телесериал ёки жангари фильм ёки эстрада хонандаси рекламасидан тушадиган маблағ ҳисобидан олинар экан. Чунки ўқувчининг доимий ҳамроҳига айланган дафтар муқовасига туширилган мазкур фильм қаҳрамонлари ёки санъаткор сурати боланинг кино ё клипни кўришга қизиқишини ошириб, бозордан қиммат баҳода(дафтар асосий харажати ҳам қўшилган) DVD, CD ва видео ҳамда аудио дискларини сотиб олишга беихтиёр "мажбурлайди"...



МАТБАА СОҲАСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳукуматимизнинг "Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Республика истеъмол бозорини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва миллий маънавиятимиз ҳамда қадриятларимизга мос, сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан "Мактаб дафтари", "Умумий дафтар", "Расм дафтари" "Кундалик дафтар"лари ишлаб чиқаришнинг тармоқ стандартлари, санитар қоида ва меъёрлари қайта ишланиб, уларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Шунингдек, маҳаллий матбаа корхоналарига берилган имтиёзлар асосида уларнинг фаолияти такомиллаштирилмоқда, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб бормоқда. Эътиборлиси, жорий йилнинг ўзидаёқ республикада дафтар маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўтказилган тендер савдоларида ғолиб бўлган 20дан ортиқ корхона томонидан санитар-гигиеник талаблар асосида ҳар жиҳатдан сифатли дафтар маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимли йўлга қўйилди. Айни пайтгача маҳаллий ишлаб чиқарувчилар 50 млн.га яқин нусхадаги ўқув дафтарларини савдога чиқарди. Йил якунига қадар яна шунча миқдордаги маҳсулот очиқ савдога қўйилиши режалаштирилган.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, жорий йилда нашриётлар томонидан яратилган жами 180га яқин кўриниш ва дизайндаги "Умумий дафтар", "Мактаб дафтари", "Кундалик дафтар" ва "Расм дафтари" муқовалари ишчи гуруҳига тақдим этилиб, ўзаро муҳокамалардан сўнг зарур ўринларга тузатишлар киритилиб, энг мақбуллари ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

— Бугун мазкур корхоналарнинг аксарияти локализация дастури асосида модернизация қилиниб, уларга замонавий ишлаб чиқариш линиялари ўрнатилмоқда, — дейди Рўзмат Сафаев. — Жумладан, "Arena Holding Group" ишлаб чиқариш корхонаси Германиянинг жаҳон стандартларига жавоб берадиган "Bielomatik Leuze Gmlh + Co.KG" автоматик линияларини ишга туширди. Навбатдаги йилда худди шундай замонавий ишлаб чиқариш технологиялари "Ўзбекистон", "Ўқитувчи" ҳамда Ғафур Ғулом номидаги нашриётларга ҳам ўрнатилиши мўлжалланаяпти. Бу билан эса 2011 йилнинг охирига қадар мамлакатимизда сифатли дафтар маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланиши назарда тутилмоқда.

БОЗОРИМИЗ БАРАКАЛИ БЎЛДИ

Бозор — талаб ва таклифдан шаклланади. Бошқача айтганда, уни истеъмолчи тартибга солади. Шу боис, бугун жойлардаги мактаб бозорлари қандай фаолият кўрсатаяпти? Ундаги харидорга тақлиф этилаётган маҳсулот талабга мос келаяптими? Мазкур саволларга жавоб ахтариб, пойтахтимиздаги энг гавжум "Чорсу"



марказий бозоридаги ҳамда доимий фаолияти йўлга қўйилган Навоий кўчасидаги мактаб бозорларида бўлиб, харидор ва сотувчиларни суҳбатга тортдик.

Тўрақул Ҳазратқулов, Олмалиқ шаҳридан: — Шаҳримиздаги мактаб бозоридаги маҳсулотлар таннархи, ўқув қуроллари турларининг хилма-хиллиги ва сифатини пойтахт мактаб бозорларидаги маҳсулотлар билан таққослашга ҳаракат қилдим. Амин бўлдимки, уларнинг ўртасида деярли фарқ йўқ экан. Тўрт нафар фарзандим бор. Ҳозирча икки нафари мактаб ўқувчиси: янги ўқув йилида каттаси 9-синфга, кичиги эса 6-синфга боради. Таътилнинг сўнгги ойида мактабда ота-оналар йиғилиши ўтказилиб, ўқувчининг мактаб формаси, дафтар-китоблари қандай бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш беришди. Болаларимиз билан ҳудудимизга яқин мактаб бозорига чиқдик. Барча ўқув қуролларининг ўзимизда сифатли қилиб ишлаб чиқарилаётгани нахларни ҳам арзонлаштирган. Болаларимизнинг ўзлари дафтарларни танлашди. Бозоримиз баракали бўлди.

Маҳмуда Абдураҳмонова, сотувчи: — Харидорларимизнинг асосий қисми мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, алломаларимиз сурати ва ибратли сўзлари туширилган дафтар ва ўқув қуролларини кўпроқ харид қилишаяпти. Сабаби, уларнинг ҳам сифати чет эл маҳсулотидан қолишмаган нархи ҳамёнбоп. Ўзимнинг ҳам фарзандларим ўқувчи бўлгани учун миллий ахлоқимизга тўғри келмайдиган суратлари билан "безатилган" дафтарлар расталардан олинганидан хурсандман.

— Таълим муассасаларида ўқувчи маънавиятига зид суратли ва санитар гигиеник талаблар назоратидан ўтмаган дафтарлардан фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида янги ўқув йили олдидан вазирликнинг "Таълим муассасаларида ёзув дафтарларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги 183-сонли буйруғи қабул қилинди, — дейди Халқ таълими вазирлигининг Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўлими бошлиғи Аброр Асқаров. — Унга кўра, таълим муассасаларида Ўзбекистон Стандартлаштириш, метерология ва сертификатлаштириш "Ўзстандарт" агентлиги томонидан 2009 йил 20 октябрда давлат рўйхатига олинган TSt 29-036:2009 рақамли тармоқ стандартига мос – мактаб дафтарлари, TSt 29-032:2009 рақамли тармоқ стандартига мос – расм дафтарлари, TSt 29-011:2009 рақамли тармоқ стандартига мос – умумий дафтар, TSt 29-033:2009 рақамли тармоқ стандартига мос – кундалик рейтинг дафтарларидан фойдаланиш белгиланди. Шунинг баробарида таълим муассасаларида муқоваси ва унинг ташқи безатилишида ёш авлод онгига, миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни сингдириш ҳамда ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиришга, дунёқарашини бойитишга хизмат қилувчи ёзув дафтарларидан фойдаланиш тавсия этилди. Бу бўйича янги ўқув йили бошланишига қадар ҳар бир таълим муассасалари, ўқитувчи, ўқувчи, ота-оналар ва кенг жамоатчиликка тушунтириш ишлари ташкил этилиб, "Мактаб дафтарлари (ёзув дафтари, расм дафтари, альбомлар, умумий дафтар ва кундалик рейтинг дафтари)га қўйиладиган талаблар" билан атрофлича таништирилди.

МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА СЕРТИФИКАТЛАНАДИ

Маълумки, мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхати саноқли бўлади. Унда мамлакат ҳудудига четдан олиб кириладиган маҳсулотнинг зарурати ва ўз навбатида хавфи асосий омил сифатида эътиборга олинади. Табиийки, ушбу турдаги маҳсулотлар таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари етакчи ўрин эгаллайди. Негаки, у тириклик манбаи, унга эҳтиёж доимий равишда юқори бўлади. Эътиборлиси, 2009 йил 18 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 234-сон қарорига асосан Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатининг 40-1. позициясига "Ёзув, кундалик, расм дафтарлари" ҳам киритилди.

Демак, ушбу ўқув қуроллари ҳам мамлакат тараққиёти, халқнинг эртанги истиқболида катта аҳамиятга эга воситадир. Буни мактаб ўқувчиси ҳали у қадар етарли англамаслиги мумкин, аммо таълим соҳаси ходимлари, ота-она, ишбилармон-тадбиркор, қўйингки, фарзандлари камолотини орзулаган ҳар бир шахс теран англамоғи керак.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

☑ **МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ МАҚСАДИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ОММАВИЙ СПОРТ ТУРЛАРИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ МАСАЛАСИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Бу борада маҳоратли спортчилар ва мураббийларни тайёрлашга йўналтирилган ўзига хос тизим ташкил этилган бўлиб, натижада йилдан-йилга нуфузли халқаро турнирларда ғолиб бўлиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган ёшлар сони кўпайиб бормоқда. Мустақиллик тенгдоши, каратэ бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Улуғбек Муҳсинов ҳам ана шундай ёшлардан бири. 2007 йили Украинада бўлиб ўтган МДҲ мамлакатлари очиқ чемпионати, 2009 йили Италияда ўтказилган клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган бу йигит тимсолида бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида спорт соҳасига қаратилган юксак эътибор ва имкониятларнинг ижобий натижаларини кўришимиз мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган "Баркамол авлод тарбияси — бош мақсадимиз" мавзуидаги давра суҳбатида ҳам юртимизда спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган миллий қонунчилик, соғлом авлодни тарбиялаш, халқаро майдонда юртимиз нуфузини оширишда спортнинг ўрни ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

"Адолат" социал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, партия ёшлари, миллий каратэ федерацияси вакиллари ҳамда ҳудудий ва халқаро даражадаги спорт мусобақалари совриндорлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар, улуғ айём арафасида ўтказилаётган мана шундай давра суҳбатлари барчада мустақиллигимиз берган беқиёс имкониятларни яна бир бор юракдан ҳис қилиш туйғусини уйғотиши, шунингдек, ўтган йиллар давомида эришилган ютуқлар замирида Ўзбекистонда фан, таълим, спорт соҳаларида яратиб берилган ҳуқуқий, маънавий шарт-шароитлар муҳим омил бўлаётганлигини таъкидлаб ўтишди.

Бахтиёр ЁҚУБОВ

☑ **АНЪАНАВИЙ АВГУСТ АНЖУМАНЛАРИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ЭТАДИГАН, ШУ БИЛАН БИРГА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛАДИГАН АСОСИЙ ТАДБИР.**

Чилонзор тумани халқ таълими ходимларининг август анжуманлари ялпи йиғилиши шу каби долзарб вазифаларга бағишланди. Тадбирда иштирок этган туман ҳокимлиги, прокуратураси ва шаҳар педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти мутахассислари янги ўқув йилини яхши кайфият билан бошлаш учун педагоглар янгиликлардан хабардор бўлиб, дарс жараёнларига сингдириши лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, тадбирда "Истеъдод" жамғармасининг "Янги педагогик технологиялар" дастури доирасида малака оширган педагоглар ёш мутахассисларга ўз тажрибалари асосида амалий машғулот ўтиб бердилар.

Янги ўқув йилидан "Устоз-шогирд мактаби" ўз фаолиятини бошлаши, тумандаги мактаблардан устоз ўқитувчилар аниқланиб, уларга шогирд ўқитувчилар бириктирилганлиги ҳам анжуманда таъкидлаб ўтилди.

Тадбир якунида "Истеъдод" жамғармасида малака оширган ўқитувчиларга сертификат топширилди ва ёш мутахассислар томонидан қасамёд қабул қилинди.

З.АЗИМБОЕВА,
методист



☑ **ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН МАКТАБ БОЗОРЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ТУРЛИ ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ, КИЙИМ-БОШ ВА ПОЙАБЗАЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА КАТТА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ.**

Жиззах вилоятида 24та мактаб бозори ишламоқда. Шунингдек, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларидаги мактаб ярмаркалари ҳам гавжум. 155та савдо шахобчаси 552та мактаб учун мўлжалланган бўлиб, 27 турдаги мактаб анжомини топиш мумкин. Жумладан, Бахмал туманидаги 45-мактабда ташкил этилган мактаб бозорида ўқувчилар ўзларига керак бўлган ўқув қуроллари ва зарур жиҳозларни арзон нархда сотиб олиш имкониятига эга. Ўзимизда ишлаб чиқарилган пойабзал ва кийимлар қулай ва арзонлиги билан харидоргир.

А.СОДИҚОВ

☑ **МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ АРАФАСИДА НАВОИЙ ВИЛОЯТ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БИР ҚАТОР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛДИ ВА БОШЛАНГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТКАЗИЛДИ.**

Вилоятнинг ҳудудий жойлашуви илм масканлари ҳузурида ётоқхоналар ҳам фаолият юритишини талаб этади. Вазиятга шу нуқтаи назардан қаралиб, Навоий компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи, Навоий компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи, Зарафшон компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи қошида 100 ўринли, Зарафшон тиббиёт коллежи толиби илмлари учун эса 200 ўринли барча имкониятларга эга шинам ётоқхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Қизилтепадаги агросервис ҳамда қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларининг ётоқхоналари мукаммал таъмирдан чиқарилди.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

☑ **ИЖОДКОР ВА МАҲОРАТЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎРТОҚЛАШИШ БИЛАН ЮНУСОБОД ТУМАНИ МАКТАБЛАРИ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АВГУСТ АНЖУМАНЛАРИ БОШЛАНДИ. 265-МАКТАБДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИРДА ЎҚИТУВЧИЛАР ЎЗЛАРИ ТАЙЁРЛАБ КЕЛГАН МАВЗУЛАРИ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ОЛИБ БОРДИЛАР.**

"Устоз-шогирд мактаби"ни ривожлантириш бўйича ушбу мактабнинг устоз ўқитувчиси Фотима Самиқова ўз тажрибаларини гапириб берди.



"Аниқ фанлар бўйича самарадорликни ошириш" мавзусида тумандаги 274-мактабда бўлиб ўтган йиғилишда ўқитувчилар физика, математика ва информатика ҳамда чизмачилик, тасвирий санъат фанлари бўйича янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, жорий этилган янгиликлар хусусида фикр алмашдилар. Ёш ўқитувчиларга кенг имкониятлар, компьютер саводхонлигини ошириш, геометрия дарсларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш, физика дарсларида лаборатория амалий машғулотларининг аҳамияти каби мавзулар шўъба йиғилишлари иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди.



Анжуман сўнгида ижодкор, илғор ўқитувчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

☑ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 97-МАКТАБДА ИЛҒОР УСТОЗ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ МАҚСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «МАҲОРАТ МАКТАБИ»НИНГ НАВБАТДАГИ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. АНЖУМАН АВВАЛИДА «ЁШ КИТОБХОН» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИНГ ВАТАН, ИСТИҚЛОЛ ҲАҚИДАГИ ШЕЪРЛАРИ ТИНГЛАНДИ.**

Анжуманнинг асосий қисмида эса ўзбек тили, она тили ва адабиёт дарсларида илғор педагогик технология, АКТдан фойдаланиш орқали ўқувчиларни фанга қизиқтириш, уларнинг билим самарадорлигини ошириш, синфдан ташқари ишларни тўғри ташкил қилиш, ижодий иншо ёзишга ўргатиш, мустақиллик дарсларини ижодкорлик билан ўтказиш, интернет материаллари ва Президент асарларидан фойдаланиш, ўқувчиларни бадиий адабиёт ўқишга ўргатишнинг энг самарали усуллари борасида катта тажрибага эга бўлган устоз ва ёш шогирдларнинг иш усуллари ўрганилди.

— Бугунги шўъба ишлари АКТдан фойдаланган ҳолда слайдлар орқали мазмунли олиб борилди, — дейди Юнусобод ТХТБ услубчиси М.Усмонова. — ТШПХҚТМОИ катта ўқитувчиси Ф.Муҳамедова, 274-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича муовини Ш.Даминова, 235-мактаб ўқитувчиси М.Отақулова, 220-мактаб ўқитувчиси Ф.Зуфарова ва бошқаларнинг иш тажрибаси, маърузаси тумандаги барча ўқитувчиларимизга янги ўқув йили олдидан кўп янгиликларни бергани билан фойдали бўлди.

Анжуман якунида бир гуруҳ фаол ўқитувчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

☑ **ҲАМЗА ТУМАНИ ҲУДУДИДАГИ ЭНГ КАТТА СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН БИРИ— ЯНГИОБОД СПОРТСОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИ БАЗАСИДА БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА БЎЛГАН СУВ ҲАВЗАСИ ИШГА ТУШИШ АРАФАСИДА.**

1999 йилдан бери фаолият кўрсатаётган ушбу мажмуадаги сув ҳавзасида аввал фильтрлаш жараёни учун 1,5-2 сутка вақт кетар, фойдаланиладиган асбоб-анжомлар ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолганди. «Туронқурилишсервис» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари сув ҳавзасини капитал реконструкция қилишни ўз гарданига олгач, бу ерда бутунлай бошқача манзара ҳосил бўлди. Италиядан келтирилган фильтрлаш ускунаси сувни тозалаш жараёнини икки бараварга қисқартиради. 25х15 метр ҳажмдаги ҳавзанинг ёнгинасида 10 ёшгача бўлган болаларнинг шуғулланиши учун бўйи 9, эни 4 метр бўлган чоғроққина мажмуа бунёд этилди. 500 куб/метр сувга мўлжалланган бу сув ҳавзасида сузишнинг барча турлари учун қулай имкониятлар яратилган бўлиб, 298, 230, 61, 67, 166, 204, 244, 227-умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун хизмат қилади.

— Қурилиш жорий йилнинг апрель ойида бошланиб, август ойи охирида ниҳоясига етказилди. Унга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 350 миллион сўм маблағ ажратилди. Айни пайтда ҳавзага янги жиҳозлар келтирилмоқда. Сентябрь ойидан бошлаб мажмуамизда шуғулланиш истагини билдирган ўқувчилар қизиқиш ва лаёқати, жисмоний имкониятларига қараб сараланади. Чунки бу ерда спортнинг бокс, кикбоксинг, таэквандо, футбол турлари бўйича ҳам шуғулланиш мумкин, — деб таъкидлайди мажмуа раҳбари Ботир Зокиров.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Milliy sozlar

ДУТОР

Миллий чолғуларимиз орасида дуторнинггина торлари ипакдан бўлади. Унинг юракка яқинлиги, майинлиги, нафислиги, ширали садосидаги ҳаётбахшликнинг боиси ҳам биринчи галда ана шундан бўлса ажабмас. Ҳар бирининг яратилиши ва ясалишида кўнгилнинг эҳтиёжи, халқимиз орзу-армонларининг қайсидир кўриниши жам бўлган созларимиз орасида дуторга айнан ипакнинг тор этиб сайланишида ҳам қандайин сир-синоат йўқмикан?

ОЙ ШУЪЛАСИДАГИ СЕҲР

Эмишки, қадимда отабола ҳунарманд усталар ўтишган экан. Уларнинг тирикчилиги асосан ҳовлиларидаги бир туп тут билан боғлиқ бўлиб, унинг соясида соялашар, шох-шаббаларини ўтин қилишар, баҳорда баргларини йиғиб ипак қурти боқиб пилла, пилладан ипак толалари тайёрлаб, рўзғорларини тебратишаркан. Уста юмушга қўл урган маҳали ўзича хиргойи қилар, шундай кезлари қандайдир оҳанглар ҳаёлини ўғирлаб, қўлига тушган ёғоч бўлагини бармоқлари билан чертишга тутинаркан. Бир тун яна ададсиз ўйлар уйқусини қочирибди. Шунда тут барглари шабадада оҳистагина тебраниб шивирлашаётгандек, унинг нигоҳларини гўёки тут сояси томон имлашармиш. У ўрнидан қўзғалиб ажиб бир ҳолатнинг гувоҳи бўлибди: ойнинг шуъласи дарахт остига бир сирли тасвирни муҳрлаб турарди. Уста шошилганидан бу оний фурсатни тутиб қолиш илинжида қўлига тушган чўпча билан тасвир атрофини чизиб олибди. Тонг отишини интизорлик билан кутган уста ўғли билан аввал ердаги тасвирни қоғозга кўчиришибди, сўнгра бир неча йил бурун



кесилиб обдон қуриган тут шохларидан аввал тасвирнинг дастасини, косаси-ю харракларини меҳр билан ясай бошлашибди. Ипакни обдон эшиб бир жуфт тор боғлашибди...

Яна дейдиларки, уста дуторни ясашга ясабдию, унинг садосини тополмайин жуда қийналибди. Майин ипак торлар дир-дир титрармишу, юракнинг нолалари билан ҳеч уйғунлаша олмасмиш. Бу дард ечимини ҳам уста атрофидан қидира бошлабди: бир куни шом маҳали уч-тўрт йигит дарвозаси олдидан баралла овозда чапак чалиб бир-бирини олқишлаганча чойхона томон қўшиқ айтиб ўтиб кетишибди. Бу ҳолат устага калаванинг учини топиб бераётгандек бўлибди-ю, йигитларнинг ортга қайтишларини кутибди. Улар қайтишибди, лекин чапаклари унсиз, ашулалари садосиз экан. Уста фикр қилибди: демак, қориннинг тўқлиги овознинг жарангига монелик қилади. У шу ўй билан ясаган чолғусининг косахонасини яхшилиб ўйиб қопқоқ билан беркитибди. Шундан сўнггина соз садоланиб «тилга кирибди».

Бугун олам аҳлини жозибали наволари билан мафтун этиб келаётган дутор ана шу тариқа дунёга келган экан. Бу гал ана шу миллий чолғумизни «қўлга оламиз». Суҳбатдошимиз Ўзбекистон Давлат консерваториясининг доценти Розахон ҲОЖИЕВА.

ИЖРОЧИЛИК МАКТАБЛАРИ


Миллий созларимиз тарихи халқимизнинг ўтмиши, яшаш тарзи, орзу-армонлари-ю, яшаш тарзи билан чамбарчас боғланиб кетган. Мутахассисларнинг қайд этишларича, дутор ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар ҳазрат Навоийнинг замондоши Зайнулобиддин ал-Ҳусайнийнинг «Мусиқанинг илмий ва амалий қоидалари» рисоласида учрайди. XVI—XVII асрларда Дуторий тахаллуси билан ижод қилган созандаларнинг яшаб ўтгани ҳам чолғунинг нечоғлик қадимий асбоблардан эканини далиллаб туради. Бугунга келиб дутор ижрочилигининг мактаблари бор. Ана шу мактаблар, чолғунинг тузилиши, созланишидаги ўзига хосликлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Дутор торли, чертма миллий мусиқа чолғуларидан саналади. Ўзбек, тожик, туркман, уйғур, қорақалпоқ халқлари севиб қўлига олувчи бу соз асосан тут, ўрик дарахтларидан ясалади. Косахонаси (резонатори) 8-12та юпқа, бир-бирига ёнма-ён ёпиштирилган тахтача, яъни қовурғадан ишланади. Косахонанинг устки, очиқ қисмига юпқа қопқоқ ёпилади ва косахона бўғиз орқали дастага уланади. Унинг узун ингичка дастасига 13-17та парда боғланади. Баъзи усталар косахона ва дастага суяк ва садафдан ишланган безак нақшлар ўйиб ёпиштиришади. Торлари ипакдан эшилган бўлиб, улар «Тановар сози» (кварта), «Муножот сози» (квинта), «Қўштор сози» (унисон)га созланади.

Ҳозирда миллий дутор ижрочилигининг Андижон, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм мактаблари мавжуд. Бу мактабларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлари ҳам бор. Бу ХХ асрда Андижон мактаби намояндаларидан Дорип дуторчи, О.Рустамов, К.Жабборов, Фарғонада Қўзихон Мадраҳимов ижросида «Нолиш», «Чўпон», «Андижон сайқали», «Қўштор» сингари, Тошкент мактаби вакилларидан Солихон ҳожи, Ф.Содиқов, М.Юнусов, Т.Алиматов ва бошқалар талқинида «Шафоат 1,2», «Тошкент сайқали», «Дутор навоси» каби, Самарқанд мактаби устозларидан хожи Абдулазиз, қори Сирож Юсупов ижросида «Гулузорим», «Бозургоний», «Гуллар водийси», Хоразм мактабига асос солган Н.Болтаев, Ю.Жабборов ижросида «Қорадали», «Алиқамбар», «Сиқили наво»дек мумтоз куйларда ўз ифодасини топди. 1970 йиллардан якка дутарда "Шашмақом" чолғу ва ашула йўллари ҳам ижро этила бошланди.

Якканавоз ва жўрнавоз чолғу бўлган дутарда якка зарб — кўрсаткич бармоқ билан пастга-тепага, билак зарб — тўрт бармоқ билан пастга, бош бармоқ билан тепага, керма зарб — кўрсаткич ва бош бармоқ билан пастга-тепага ва яна шу тарзда қайтувчи, тескари зарб — пастга-тепага ва яна тепага чалинувчи ижро усуллари бор. Шунингдек, дутор ва доира усулларини аралаштирган ҳолда оҳанг бериб ижро этиш мумкин.

1930 йилларда анъанавий дутор қайта ишланиб, дутор-альт яратилди. Унинг торлари капрон ёки бошқа полимер иплардан тайёрланади. Дастаси хроматик тартибда жойлашган, ёғоч ёки суяк пардалари елимлаб ёпиштирилади. Дутор-альтда асосан ўзбек композиторлари томонидан қайта ишланган (гармонизациялашган) халқ куйлари фортепиано жўрлигида ижро этилаётир. Кейинчалик мазкур соз асосида ўзбек халқ чолғулари оркестрига мослаб турли ҳажмдаги дутор-прима, дуторбас, дутор-контрабас сингари турлари ишланди.



Чолғунинг бу тарзда мукаммаллашиб, оркестр таркибига мослаштирила бориши, дуторда жаҳон куйларини ижро этиш имкониятларини кенгайтирди.

УСТОЗУ ШОГИРДЛИК САБОҒИ

— Назаримда устозу шогирдлик одоби, меҳр-муҳаббати, бурчларининг ҳам ўзига хос сабоғи бор. Бунда мусиқий таълимнинг ўрни бениҳоя. Бу ҳақда ўйлаганимда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Зиёева сўзлаб берган бир воқеа хаёлимда бот-бот такрорланаверади:

— Устозим беназир созанда ва бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ажойиб мураббий Фахриддин Содиқов мени моҳир уста Усмон ота ҳузурига бошлаб бориб: «Шу қизимга битта дутор ясаб берсангиз», дея махсус буюртма берган эдилар, — деб устозини самимий бир меҳр билан тилга олган эдилар опа.— У кишининг мана шу амалидаёқ мен катта бағрикенглик, шогирдга бўлган ҳақиқий меҳрни кўрганман. Дутор олти ойда тайёр бўлди. Шунгача биз устозу шогирд у кишининг устахонасига бир неча бора қатнаганмиз. Ҳар гал устоз устага деб, тансиқ неъматлар харид қилиб борардилар. Ўнлаб ноёб созлар ясаган устанинг диди қанчалик нозик бўлмасин, эл севган созандаларнинг инжиқликларини оғринмай кўтарар, ўз иши устида қайта-қайта изланишдан эринмасди... Бу хотира менга шогирд ҳурматига лойиқ бўлмоқликнинг ҳам кўпчилигимиз англаёлмас машаққатлари борлигидан дарс бергандек бўлади. Сиз шогирдларингизга дутор илмидан сабоқ берар экансиз, бу дарс уларнинг кўнгил тарбиясига нечоғлик таъсир этишини ҳам кузатсангиз керак, албатта.

— Дуторнинг хосиятларидан бири шуки, унга улуғ устозларнинг меҳри, назари тушган бўлса, иқтидорли шогирдларимиз уни қўлларига олиб катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Улар орасида турли танловларнинг лауреатлари, «Ниҳол» мукофотининг соҳиблари бор. Ўзбекистон давлат консерваториясида дутор мутахассислиги бўйича дарс берар эканман, шогирдларимга ҳам аввало созни азиз ва муқаддас санамоқни, унга чин юракдан меҳр бермоқни ўргатишга ҳаракат қиламан. Негаки, дутор ўзбекнинг азалий ва абадий чолғу созидир. У билан сўзлашмоқ, сирлашмоқ керак. У халқимизнинг ўтмиш оҳларини, аламларини, орзу умидларини майингина, дардли садолари билан авлодлардан авлодларнинг юракларига етказади. У боболаримиз, момоларимиз бизнинг тимсолимизда тасаввур этган комилликнинг сабоқларидир. Дутор ўзбекнинг ҳар уйига, ҳар гўшасига яраша-ди. У чалинган давраларда одобу адабнинг дарслари ўқилади. У Ватанни жондайин севишга ўргатади болаларимизни. Дуторнинг наволарида ўзбек қизларининг ибою ҳаёлари мужассам. Дуторнинг садоларида ўғлонларимизни мардликка, миллатпарварликка ундовчи оҳанглар жам... Ўзбекистоннинг беқиёс ҳусну тароватн, кучу қудрати, буюк келажагининг тараннуми бор унинг наволарида!

Ойбуви ОЧИЛОВА суҳбатлашди.

Avgust kengashlari

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ УЛУҒЛАНДИ

Наманган вилоят халқ таълими бўлимига қарашли барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларида анъанавий Август кенгашларининг ялпи йиғилишлари бўлиб ўтди. Наманган шаҳрида ушбу анжуманнинг ялпи йиғилиши шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида ўтди. Йиғилишда вилоят ҳокими Баҳодир Юсупов, шаҳар ҳокими Илҳомиддин Ботиров иштирок этди.

— Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш, таълим-тарбия соҳасини эса тубдан ислоҳ қилиш ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда, — дейди шаҳар ХТБ мудири вазифасини бажарувчи Гулбаҳор Асқаралиева. — Президентимизнинг “Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 2009 йил 6 августдаги ПҚ-1170-сон қарорига мувофиқ шаҳримиздаги «Меҳнатобод», «Атанган гузар», «Мингтерак», «Мустақилликнинг 5 йиллиги» ва «Обод» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида замонавий, ҳар бири 540 ўринли бўлган 5та янги мактабнинг Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилаётганлиги фикримиз далилидир. Шу билан биргаликда 1, 5, 29, 34, 40, 45, 47, 63-мактабларнинг ҳамда 49-махсус мактаб-интернатнинг капитал реконструкция қилинганлиги, 61, 66-мактабларда спорт залларининг қурилганлиги, 19та мактабгача таълим муассасаларининг қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилгани “Баркамол авлод йили”да ўқувчиларга ўзига хос туҳфа бўлди.

Республикамизда 2010-2011 ўқув йилида асосий эътибор таълим мазмуни ва сифатига қаратилади. Демак, бу Наманган шаҳар халқ таълими ходимлари олдига ҳам қатор вазифаларни қўяди. Мақсад таълим сифатини ошириш экан, ўқитувчиларнинг дарсга пухта тайёргарлик билан келишлари, ўз устиларида тинмай ишлашлари, замонавий компьютер техникаларидан самарали фойдалана олишлари, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этишлари лозим бўлади.

Шунингдек, йиғилишда шаҳардаги 1-умумтаълим мактаби директори Тамара Ғаниева, 31-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Моҳира Маматова, «Шарқ юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исоқжон Холбоев ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир якунида 20 нафардан ортиқ ёш, янги ишга кирган ўқитувчи қасамёд қабул қилди.

Пўлат ҲАМДАМ,
«Ma’rifat» мухбири

ФИДОЙИЛИК, ИЗЛАНУВЧАНЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК

Бир вақтнинг ўзида ишнинг якуни сарҳисоб қилиниб, эртанги кун режалари белгиланаётган бўлса, бу жараёнда қатнашиш жуда мароқли. Мунозара, муҳокама, таҳлил, хулоса ва улардан келиб чиққан ҳолда янги режалар ишлаб чиқиш ҳар бир кишини мушоҳада қилишга, астойдил ишлашга ундайди.

Давлатимиз мадҳияси садолари остида бошланган Сергели тумани ўқитувчиларининг анъанавий Август анжуманида туман халқ таълими бўлими ходимлари, мактаб директорлари, энг фаол педагог ва меҳмонлар иштирок этишди. 317-мактабда бўлиб ўтган анжуманда сўзга чиққанлар поёнига етган ўқув йилининг ютуқ ва муаммоларини таҳлил қилиб, улардан тегишли хулоса чиқардилар. Туман халқ таълими бўлими мудири Сафарали Ҳамроевнинг таъкидлашича, ўтган ўқув йилида тумандаги 8та мактабгача таълим муассасасида таъмирлаш ишлари амалга оширилди, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказишнинг истиқбол режаси ортиғи билан бажарилди. Эришилган ютуқлардан яна бири жорий йилда тумандаги 300-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Зиёда Ишмуродованинг “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови республика босқичига ғолибликни қўлга киритгани бўлди.

Анжуманда туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги муассасаларда таълим сифати ва мазмунини юксалтириш, ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, уларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, мавжуд имкониятлардан тўғри ва мақсадли фойдаланишга доир вазифалар аниқ белгилаб олинди.

Ўтган ўқув йилида Давлат тест маркази томонидан аттестациядан ўтказилган таълим муассасаларига махсус сертификатлар топширилди.

— Давлат таълим стандартлари ва давлат талабларини бажарганимиз муносабати билан мазкур сертификатни қўлга киритдик, — дейди 266-мактаб директори Илҳом Тўраев. — Айни дамда ўқувчиларимиз фан олимпиадалари, турли кўрик-танлов ва спорт мусобақаларининг туман, шаҳар босқичларида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Анжуманда турли танловларда ғолиб бўлган халқ таълими одимлари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, эндигина мактаб остонасига қадам қўяётган 1-синф ўқувчиларининг бир гуруҳига ўқув қуроллари, дарсликлар ва спорт анжомларидан иборат Президент совғалари тақдим этилди.

Санжар РУСТАМОВ,
“Ma’rifat” мухбири

ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОН — КЕНГАШ ИШТИРОКЧИСИ

Шовот туман халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгаши «Фарзандлар камоли — юрт истиқболи» шиори остида ўтди. Унда туман ҳокими Бозорбой Ёқубов сўзга чиқиб, таълим-тарбия тизимини сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтариш бугунги кунда энг устувор вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади. Ушбу соҳада ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлар санаб ўтилар экан, қуйидагилар алоҳида эътироф этилди:

— “Баркамол авлод йили” Давлат дастури асосида жорий йилнинг биринчи чорагида 5та мактабда компьютер синфлари ташкил қилинди. Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобидан олтита мактабда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази компьютер техникаси билан таъминланиб, интернет тармоғига уланди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан тумандаги 6та мактаб қошида спорт зали қурилиб, спорт анжомлари ва инвентарлари келтирилди. Бугунги кунда уларда жами 6832 нафар ўқувчи спортнинг 13 тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Навбатдаги ўқув йилида жами 2321 нафар болажон таълим даргоҳининг қутлуғ остонасига илк бор қадам қўяди. Уларга оталарча меҳрибонлик ва юксак эътибор рамзи сифатида муҳтарам Президентимизнинг махсус совғалари улашилади.

Кам таъминланган оила фарзандларининг 3785 нафари учун эса кийим-бош келтирилиб, тарқатиш учун тахт қилиб қўйилди.

Тадбирда хорижлик меҳмон — япониялик волонтёр Ока Масаке ҳам иштирок этиб ўз фикрларини билдирди.

— Янги ўқув йилидан бошлаб шартнома асосида Шовот туманидаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида фаолият бошламоқчиман, — дейди ўқитувчи. — Ўқувчиларга жисмоний тарбия фанидан, спортнинг бокс туридан сабоқ бераман.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш борасидаги кенг кўламли ишлар ҳар қанча эътирофга сазовор.

Анжуманда бир гуруҳ мактаб раҳбари, ўқитувчи ва тарбиячилар вилоят халқ таълими бошқармаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

Хоразм вилояти

РАҒБАТ МАСЪУЛИЯТ ҲАМДИР

Зангиота туман халқ таълими бўлими тасарруфида жами 46 та мактаб, 33та мактабгача таълим муассасаси, 1та мусиқа, 1та спорт мактаби, 3та спорт мажмуаси ва 1та мактабдан ташқари таълим муассасаси мавжуд.

— 2009—2010 ўқув йили сарҳисобига кўра, тумандаги мактабларда жами 23183 нафар ўқувчига 1649 нафар, мактабгача таълим муассасаларида 300 нафар педагог ходим таълим-тарбия бераётир, — деди туман ўқитувчиларининг Август кенгашида халқ таълими бўлими мудири Абдулла Раҳматуллаев. —Янги ўқув йили олдидан «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги 315 ўринли 47-умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилганидан аҳоли хурсанд. Янги ўқув йилида ушбу мактабда хорижий тиллар чуқур ўргатиладиган синфлар ташкил этиш режалаштирилган. Туманимизда 5та ахборот-ресурс маркази ташкил этилган бўлиб, керакли барча техник воситалар билан таъминланган. Ушбу ахборот-ресурс маркази нафақат таълим ходимлари ва ўқувчиларга, балки кенг аҳолига ҳам намунали хизмат кўрсатмоқда. Республика миқёсида ўтказилган «Йилнинг энг фаол китобхони» кўрик-танловида Алишер Қодиров фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Туманимиз ўқувчилари фан олимпиадаларида ҳам фаол. Уларнинг 64 нафари фан олимпиадасининг вилоят босқичида иштирок этишди. 8 нафар ўқувчи эса республика босқичида қатнашишди. 24-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Жанар Нисанбаева республикада фахрли 2-ўринни эгаллаб, муддатидан олдин Тошкент давлат педагогика университети талабаси бўлди.

Тадбир сўнгида 15-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Мастура Нуралиева, 4-мактабгача таълим муассасаси услубчиси Меҳри Тожибоева «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, 57 нафар ўқитувчи фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Ҳ.РАЖАБОВА



АНЪАНАВИЙ АНЖУМАНДА НОАНЪАНАВИЙ ЯНГИЛИКЛАР

уларни педагоглар қувонч билан кутиб олишмоқда

Учтепа тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги 229-мактабда математика, физика ва информатика фани ўқитувчиларининг анъанавий Август анжумани олди шўъба йиғилишлари бўлиб ўтди.

Унда туманнинг 170дан ортиқ педагоги 5та шўъбада иш олиб борди. Иштирокчилар фанни ўқитишдаги ўзига хос муаммоларни муҳокама қилиб, ечим топиш баробарида фан дастури ва дарсликларга киритилган ўзгаришлардан бохабар бўлишди.

— Бу йил Ўзбекистон Миллий университетини битириб, 197-мактабга ишга қабул қилиндим, — дейди янги ўқув йилини сабрсизлик билан кутаётган ёш мутахассис Зоҳида Облаева. — Энди мен — математика ўқитувчисиман. Амалиёт давомида ўқувчиларга дарс берган бўлсам-да, ҳақиқий мутахассис сифатида иш бошлашнинг завқи ўзгача. Шўъба йиғилишларида янгиликлар биз — ёш кадрларга ҳам аниқ мисоллар асосида тушунтириб берилди.

Шунингдек, 78- ҳамда 287-мактабларда ташкил этилган анъанавий Август анжуманлари бошланғич синф ўқитувчилари ва таълим тизими раҳбар ходимлари йўналишида олиб борилди.

Бошланғич синф ўқитувчилари иштирокидаги йиғилишда педагоглар таълим самарадорлигини оширишда янги педтехнологиянинг ўрни, бошланғич синфларда нутқ маданиятини шакллантириш, иш юкламалари ва рейтинг тизимидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш, ноанъанавий дарсларни ташкил этиш каби янги ўқув йили учун долзарб бўлган мавзуларда фикр алмашдилар.



Таълим тизими раҳбар ходимлари йўналишида ўтказилган анжуманда иштирок этган туман мактаблари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, синф раҳбарлари асосий эътиборни маънавий-маърифий ишларга қаратдилар. Унда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда тўгаракларнинг ўрни, мактаб—маҳалла—оила ҳамкорлигини ривожлантириш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш каби мавзулар муҳокама этилди.

Анжуман якунида “Янги авлод”, “Тошкент ниҳоллари” кўрик-танловларида ғолиб бўлган туман ўқувчилари ижросида мусиқий дастур намойиш этилди.

Башорат ОТАЖОНОВА,
“Ma’rifat” мухбири
Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

207 nafar bitiruvchiga diplom topshirish marosimi ular ishga kiradigan korxonada o'tkazildi.

БИТИРУВЧИЛАРГА ИШ ЎРИНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кечагина касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни битирган ёшларнинг ҳам руҳини кўтариб юборди. Фармонга кўра, кафолат ва ҳуқуқлар битирувчиларни ишга жойлаштириш муаммосини бартараф этишга ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

«Андижонкабель» Ўзбекистон – Россия қўшма корхонасининг Хонобод шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан йилма-йил тузилаётган шартномалар ижроси бўйича ўзига хос мактаб яратилгани муболаға эмас. Ҳар йили бир неча ўнлаб ёшлар корхона дастгоҳлари ёнида ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини ўтайди ва ўқишни тамомлагач, шу ерга ишга келадилар. Бу сафар ҳам жамоа ушбу анъанага содиқ қолди.

— Битирувчиларимиздан 35 нафари шу корхонага ишга кириш учун суҳбатлардан ўтишди, — дейди компьютер технологиялари коллежи директори Азизулло Нуруллаев. — Улар коллеж ва корхона ўртасида тузилган уч томонлама шартномага асосан, ана шу ерда амалиёт ўтаб, иш ўргандилар, 14 нафар ўқувчимиз ёзги таътилни бевосита дастгоҳлар ортида ўтказишаяпти. 207 нафар битирувчига дипломлар топшириш маросими корхонада ўтказилгани ҳам бежиз эмас.

Jarayon

Шаҳардаги сервис, ижтимоий-иқтисодий коллежи битирувчиларидан 8 нафарини ҳам жамоа ўз бағрига олди. Бундан ташқари, нафақат "Андижонкабель", шунингдек, "ЎзКОДЖИ" ўзбек-корея қўшма корхонаси, "Хоноботделеком" алоқа боғламаси, "Андижон ГЭС" давлат корхонаси, Андижон сув омборидан фойдаланиш бошқармаси ва бошқа катта-кичик корхоналар ҳам шаҳардаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга ҳисса қўшмоқда.

Битирувчи йигит-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунгача компьютер технологиялари коллежидан 5, сервис, ижтимоий-иқтисодиёт коллежидан 6, педагогика коллежидан 20, саноат-транспорт коллежидан 7 нафар собиқ ўқувчи ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида гувоҳнома олди. Энди уларга "Микрокредитбанк" вилоят бўлими, "Ҳамкорбанк" АТБ маблағлари ҳисобидан кредитлар берилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқиляпти.

— Мен чорвачилик йўналишида тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлиб, гувоҳнома олдим, — деди сервис, ижтимоий-иқтисодиёт коллежи битирувчиси Дилрабо Мадиёрова. — Банкдан имтиёзли кредит олишга ҳужжатлар тайёрлаб, топширдим. Мақсадим, ўз бизнесимга эга бўлишдир.

Ёшларнинг катта ҳаётга дастлабки қадамлари тажрибали мутахассислар, маҳаллалар фаоллари ва айниқса, маҳаллий Кенгашлар депутатлари назоратида турибди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда уларга яратилган иш, дам олиш шароитлари, улар ҳуқуқларига риоя этилиши депутатлар томонидан мунтазам ўрганиб бориляпти.

Ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот, муассасалар ва касб-ҳунар коллежлари ўртасидаги уч томонлама шартномалар ўзаро манфаатли мақсадларга йўналтирилиши муҳимдир. Чунки бу, назарияни амалиёт билан боғлаш, замонавий ишлаб чиқариш корхонасини ташаббускор, изланувчан кичик мутахассислар билан таъминлаш имконини яратади.

О.СИДДИҚОВ

Oliy ta'lim


ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ўтган аср бошлари — ҳали юксак технология-ю, тараққий этган илм-фан ҳақида илк тасаввурлар куртак отаётган бир пайтда — буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур" деганида нечоғли ҳақ эканига бугун гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини жаҳоннинг илғор давлатлари тажрибасига таянган ҳолда тубдан янгилашга эҳтиёж сезилиб, давлат аҳамиятига молик ислоҳотлар биринчи ўринда таълим тизимидан бошланди, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонун»и, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилди. Таълим-тарбия соҳаси олдига интеллектуал салоҳияти кенг, онги етук, ижодий тафаккур соҳибларини тайёрлаш талаби қўйилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида "...юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди", дея таъкидладилар. Биргина 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилганлигининг ўзиёқ давлатимиз раҳбарининг етук кадрлар тайёрлаш масаласига нечоғли эътибор қаратаётганларини исботлайди. Бу эътибор ҳар бир таълим муассасаси жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди.

Хусусан, Қарши давлат университетида давлатимиз томонидан қўйилган шарафли, масъулиятли вазифаларни тўлақонли бажариш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Университетда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг якуний — сифат босқичида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига жаҳоннинг илғор давлатларида амалда бўлган замонавий ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, ўқув-услубий таъминотни мустаҳкамлаш, фанлар бўйича ўқув-методик мажмуалар базасини яратиш, Ахборот-ресурс маркази (АРМ) фаолиятини йўлга қўйиш, аудиторияларни моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш, талабалар ётоқхонасини замонавийлаштириш, иқтидорли талабаларни саралаш, улар билан мақсадли ишлаш, жамоада соғлом муҳитни қарор топтириш, профессор-ўқитувчиларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш йўналишларида аҳамиятга эга бўлган ижобий ишлар амалга оширилди.



Шу билан бирга ўтган ўқув йилидан кафедраларда тайёрланаётган кадрлар сифатини назорат қилиш мақсадида "Битирув-малакавий иши тақдимотлари"ни ўтказиш йўлга қўйилди. Ҳар бир битирувчи махсус комиссия томонидан синовдан ўтказилиб, тайёрланган малакавий иш, бакалавриат босқичида ўқитилган асосий мутахассислик фанлари, "Миллий истиқлол ғояси" фани, Президент Ислом Каримовнинг куннинг долзарб масалаларига бағишланган асарлари юзасидан эгалланган билимлари даражаси аниқланди.

Университетда бундай тадбирларнинг ташкил қилинишдан кўзланган асосий мақсад бугунги кун битирувчисининг шунчаки олий маълумотли мутахассисигина эмас, балки, эркин, мустақил фикрли шахс, ижодий тафаккури кенг, ёзма ва оғзаки нутқи равон, турли мафкуравий, маънавий таҳдидларга нисбатан мустаҳкам иммунитетга эга, юксак маънавиятли, дунёда юз бераётган ижтимоий, иқтисодий-сиёсий жараёнлардан хабардор, интеллектуал салоҳиятли кадр бўлиб етишишига эришишдир.

Тан олиш керакки, ана шу саъй-ҳаракатлардан сўнг муассасада тайёрланаётган битирув-малакавий ишлари сифат жиҳатидан юксалди. Нафақат битирувчи, балки илмий раҳбарда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган мактаб, ишлаб чиқариш, минтақавий экологик муаммолар, долзарб иқтисодий-ижтимоий масалаларга бағишланган мавзуларни танлаш, ишни сифатли, олий таълим муассасаси томонидан қўйилаётган талаблар даражасида тайёрлаш ва уни муваффақиятли ҳимоя қилишга бўлган масъулият ортди. Малакавий иш ҳимояси махсус электрон воситалар билан жиҳозланган хоналарда тақдимот шаклида ташкил қилинди.

Албатта, етук мутахассис кадр тайёрлаш учун ҳаракат талабаликнинг дастлабки кунларидан бошланиши керак. Шу боис, университет раҳбарининг ташаббуси билан ўтган ўқув йили бошида талабаларни 1-курслигида саралаб, улар билан мақсадли ишлаш йўлга қўйилди. Бунга кўра, талабалар синов асосида уч гуруҳ — "алоҳида иқтидорлилар", "ўртача билимлилар" ва "паст ўзлаштирувчилар" сирасига ажратилди. Ҳар бир гуруҳ билан махсус режа асосида қўшимча машғулотлар олиб борилди. Ҳар олти ойда синов ўтказилиб, имтиҳон натижаларига кўра тегишли равишда талаба бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга кўчириб борилди. Сараланган билимли, юксак хулқли, тиришқоқ талабалар билан мақсадли режалар асосида ишланиб, чет тили, компьютер технологиялари, мутахассислик фанларидан қўшимча дарслар ташкил қилинди; элита гуруҳлар шакллантирилди. Улардан республика ва халқаро олимпиадалар, универсиада ғолиблари, Президент стипендияси ва бошқа номдор стипендия соҳиблари, турли танлов иштирокчилари тайёрлаб борилади. Айни пайтда ўқув даргоҳида биринчи гуруҳга мансуб 212 нафар иқтидорли талаба илмий раҳбарларга бириктирилиб, номзодлик диссертацияси негизида илмий тадқиқот ишларини олиб боришаяпти.

Ўтган ўқув йили якунида ўтказилган университет иқтидорли талабаларининг анъанавий илмий-назарий анжуманида фаол йигит-қизларнинг қизғин баҳс-мунозарага бой маърузалари тингланди. Бир ўқув йили давомида мунтазам "паст ўзлаштирувчилар" сирасида қолган, ўқув режасидаги фанларни яхши ўзлаштирмаган талабаларни 1-курс якунидаёқ махсус комиссия тавсиясига кўра университет ректорининг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштириш таклифи киритилди. Бу эса талабада тезлик билан охирги гуруҳдан чиқиб кетишга интилиш, ўз устида ишлаш масъулиятини оширди.

Жорий йил Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб номланиб, махсус давлат дастури ишлаб чиқилди. Республикада таълимни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш мақсадида катта ҳажмли ишлар бажарилди. Ана шу имкониятдан ўринли фойдаланиб, талаба-ёшларнинг ўқиши, илмий изланиши, мустақил ишлаши, маданий ҳордиқ чиқариши учун шароитларни янада яхшилаш, университет таркибий тузилмасини замонавийлаштириш мақсадида муассаса раҳбарияти тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. "Баркамол авлод йили" давлат дастури доирасида университетда 2,5 млрд. сўмлик таъмирлаш, қайта реконстукция қилиш ишлари режалаштирилган.

Қарши давлат университетида таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишлар Президентимизнинг кучли демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти қуришдек эзгу мақсадларига эришиш йўлида хизмат қилади.

А.НАБИЕВ,
Қарши давлат университети ўқув бўлими бошлиғи,
Б.БАҲРИДДИНОВА,
Қарши давлат университети доценти

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

1991

- **Вилоятдаги жами мактаблар сони — 1150та.**
  Шундан:
  замонавий типдаги — **370та;**
  мослаштирилганлари — **738та;**
  авария ҳолатидаги — **42та.**

  Мактабларнинг моддий-техник базаси:
  дарсликлар таъминоти — **64 фоиз;**
  ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — **21 фоиз;**
  компьютер ва ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — **9 фоиз;**
  мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — **33 фоиз.**

- **Вилоятдаги болалар спорти объектлари:**
  спорт залига эга мактаблар сони — **297та;**
  болалар спорти объектлари сони — **40та;**
  болалар спорти объектларининг спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — **10 фоиз;**
  ўқувчиларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — **20 фоиз.**

- **Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 34та.**
  Шундан:
  замонавий типдаги — **2та;**
  мослаштирилганлари — **32та.**

- **Вилоятдаги ҳунар-техника билим юртлари сони – 46та.**
  Шундан:
  замонавий типдаги — **46та.**

  Ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техник базаси:
  ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — **43 фоиз;**
  компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — **6 фоиз;**
  мавжуд техника воситалари сони — **92та.**

  Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:
  педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — **3423 нафар.**
  Шундан:
  фан номзодлари — **28 нафар;**
  олий маълумотли ўқитувчилар — **2740 нафар.**

  Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — **96та.**

  Ҳунар-техника билим юртларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — **41560 нафар.**

- **Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони — 5та.**
  Шундан:
  университетлар — **1та;**
  институтлар — **4та.**
  ОЎЮларининг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — **79,8 фоиз.**
  Компьютер билан таъминланганлиги — **33 фоиз.**

  Профессор-ўқитувчилар сони — 1505 нафар.
  Шундан:
  академиклар — **1 нафар;**
  фан докторлари — **143 нафар;**
  фан номзодлари — **584 нафар;**
  аспирантлар — **190 нафар.**
  Олий таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — **35та.**

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009



Умумий ўрта таълим

- **Мустақиллик йилларида 309 нафар ўқитувчи турли давлат мукофотларига сазовор бўлди. Шундан 26 нафари «Халқ ўқитувчиси», 25 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 33 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 3 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвонлари билан тақдирланган. Шунингдек, 1 нафари «Фидокорона хизматлари учун», 7 нафари «Эл-юрт ҳурмати», 19 нафари I даражали «Соғлом авлод учун», 24 нафари II даражали «Соғлом авлод учун», 23 нафари «Меҳнат шуҳрати», 27 нафари «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлар 121 нафар.**
- «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида Жомбой туманидаги 7-умумтаълим мактабининг «Иқтисодий билим асослари» фани ўқитувчиси Феруза Бекова, Пастдарғом туманидаги 21-умумтаълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ж.Ибрагимова, Булунғур туманидаги 48-умумтаълим мактаби ҳуқуқ фани ўқитувчиси Э.Эшназаров иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади.
- **«Йилнинг энг яхши тарбиячиси-2009» кўрик-танлови республика босқичида Нарпай туманидаги 64-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Гулсара Сапарова 1-ўринни эгаллади.**
- 33 нафар педагог ва раҳбар ходим Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси гранти асосида ривожланган хорижий мамлакатларда ўз малакасини ошириб қайтди.
- **2008 йили Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Б.Дониёров кимё фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада 3-ўринни эгаллади.**
- Пастдарғом туманидаги 28-умумтаълим мактаби ўқувчиси Нигина Саъдинова, Самарқанд туманидаги 10-умумтаълим мактаби ўқувчиси Н.Холмаҳмадова фан олимпиадаларининг республика босқичида фахрли ўринларни эгаллади.
- **«Зарб-2009» кўрик-танловининг республика босқичида вилоят ўқувчилар ижодиёти маркази ёш доирачилари ғолибликни қўлга киритишди.**
- Мустақиллик йилларида давлат гранти асосида 101 нафар ўқувчи хорижий мамлакатларда таълим олди.

Олий таълим


- **Самарқанд давлат университетининг иқтисод факультети магистранти О.Скоробогатова «Халқаро стратегия ва иқтисод» лойиҳаси бўйича грант соҳиби бўлди.**
- Университет профессори Ж.Элтазаров ижодий ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, Японияда илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.
- **Университетнинг 7 нафар талабаси Президент, 67 нафари Беруний, Улуғбек, Навоий номидаги давлат степиндиатлари бўлди.**
- Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти талабаси Нодира Файзуллаева Президент стипендианти бўлди.
- **«Универсиада-2007» спорт мусобақаларида институт талабаси Хуршид Набиев дзюдо бўйича 1-ўринни қўлга киритди.**
- Самарқанд тиббиёт институти профессор-ўқитувчиларидан 52 нафари хорижий мамлакатларда ўз малакаларини ошириб қайтди.
- **2003-2004 йилларда институт талабаларидан 2 нафари Президент стипендианти, 1 нафари Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлди.**
- 2007 йилда «Келажак овози» мегатанловининг республика босқичида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали талабаси Эммин Масумов 1-ўринни эгаллади.
- **Филиалда таҳсил олаётган 6 нафар талаба турли нуфузли стипендияларга лойиқ деб топилган.**
- Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти иқтисодиёт ва бошқарув факультети талабаси З.Арслонов 2007 йили Италияда бўлиб ўтган халқаро турнирда дзюдо бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллади.
- **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтда 2000 йилдан бошлаб «Менежментни ўқитишни такомиллаштириш» халқаро лойиҳаси асосида махсус маркази фаолият кўрсатмоқда.**
- Институт талабаси Абдулла Худойбердиев Таиландда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида муайтай бўйича 1-ўринни эгаллади.
- **2001 йили республика талабаларининг фан олимпиадасида Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Албина Ваидова инглиз тили ҳамда Оксана Пакотаева француз тили фани бўйича 1-ўринни қўлга киритди.**





Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

- **Пайариқ тиббиёт коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Доно Раҳимова «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб чиқди.**
- Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиётган 37 нафар ўқувчи фан олимпиадаларининг якуний босқичида муваффақиятли иштирок этиб, олий ўқув юртларига муддатидан аввал қабул қилинди.
- **Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Дониёр Насриддинов жорий йилда Боку шаҳрида ўтказилган 44-Халқаро Менделеев олимпиадасида бронза медаль билан тақдирланди.**
- Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиётган ўқувчилардан 41 нафари жаҳон чемпиони, 94 нафари Осиё чемпиони, 112 нафари халқаро турнир совриндори, 678 нафари республика миқёсидаги спорт мусобақаларининг мутлақ ғолибидир.
- **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Диёра Салимова Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.**
- Тошкент шаҳрида ўтказилган «Барҳаёт анъаналар» фольклор фестивалининг якуний босқичида Пастдарғом тиббиёт коллежи «Қалдирғоч» жамоаси олий ўрин — гран прини қўлга киритди.
- **Гулистон шаҳрида ўтказилган «Энг яхши ахборот-ресурс маркази» кўрик-танловининг республика босқичида Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежи жамоаси 3-ўринни қўлга киритди.**



Болалар спорти

- **Истиқлол йилларида вилоят бўйича 116та замонавий спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Спорт объектларини жиҳозлашга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 786,5 миллион сўм маблағ сарфланди.**
- Болалар спорти объектларида 573194 нафар ўқувчи 13та оммавий спорт турлари билан шуғулланиш имконига эга бўлди.
- **«Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларида вилоят терма жамоаси 10та олтин, 10та кумуш, 9та бронза медални қўлга киритди.**
- «Умид ниҳоллари—2009» спорт мусобақаларида Самарқанд вилояти мактаб ўқувчилари 2та олтин, 13та кумуш, 19та бронза медаль билан тақдирланиб, умумжамоа ҳисобида фахрли ўринни эгаллади.
- **Халқаро ва республика миқёсида ўтказилган турли спорт мусобақаларида 990 нафар ўқувчи иштирок этиб, шундан 285 нафари совриндорлар сафидан жой олди.**
- Самарқанд шаҳридаги 17-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мафтуна Шамсиева Мисрда ўтказилган бадиий гимнастика мусобақасида ғолиб чиқиб, кумуш медаль билан тақдирланди.
- **Тайлоқ туманидаги 57-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Мехрибон Жалилова «Умид ниҳоллари-2009» спорт мусобақаларида шахмат бўйича 2-ўринни эгаллади.**
- Самарқанд шаҳридаги 34-мактаб ўқувчиси Галина Гаусс спортнинг қиличбозлик тури бўйича республика мусобақасида 2-ўринни қўлга киритди.



2010

- **Вилоятдаги жами мактаблар сони — 1209та.**
  Шундан:
  янги қурилганлари — **36та;**
  капитал реконструкция қилинганлари — **294та;**
  капитал таъмирланганлари — **421та;**
  жорий таъмирланганлари — **458та.**

  Мактабларнинг моддий-техник базаси:
  дарсликлар таъминоти — **92,80 фоиз;**
  ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — **60,20 фоиз;**
  компьютер технологиялари билан таъминланганлиги — **51 фоиз;**
  мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — **85 фоиз.**

- **Вилоятдаги болалар спорти объектлари:**
  спорт залига эга мактаблар сони — **562та;**
  болалар спорти объектлари сони — **44та;**
  болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — **60 фоиз;**
  ёшларнинг оммавий спорт тадбирларига қамраб олинганлиги — **57,2 фоиз.**

- **Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 34та.**
  Шундан:
  замонавий типдаги — **7та;**
  биноси янгидан қурилаётганлари сони — **17та;**
  капитал реконструкция қилинаётганлари — **10та.**

- **Вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицей, касб-ҳунар коллежлари) сони — 170та.**
  Шундан:
  замонавий типдаги — **165та;**
  мослаштирилганлари — **5та.**
  Академик лицейлар сони — **14та.**
  Касб-ҳунар коллежлари сони — **156та.**

  Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари моддий-техник базаси:
  ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — **81 фоиз;**
  компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — **78 фоиз;**
  мавжуд техника воситалари сони — **110та.**

  Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:
  педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — **11315 нафар.**
  Шундан:
  фан докторлари — **12 нафар;**
  фан номзодлари — **144 нафар;**
  олий маълумотли ўқитувчилар — **9967 нафар.**

  Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — **123та.**

  Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — **167133 нафар.**

- **Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони — 7та.**
  Шундан:
  университетлар — **1та;**
  институтлар — **5та;**
  филиаллар — **1та;**
  ОЎЮларининг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — **89,1 фоиз.**
  Компьютер билан таъминланганлиги — **96,4 фоиз.**

  Профессор-ўқитувчилар — 2036 нафар.
  Шундан:
  академиклар — **2 нафар;**
  фан докторлари — **190 нафар;**
  фан номзодлари — **1173 нафар;**
  аспирантлар — **223 нафар.**
  Олий таълим йўналишлари бўйича мутахассисликларнинг умумий сони — **109та.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурини бажариш доирасида Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан **оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) мустақиллигини мустаҳкамлашга** қаратилган, қуйидаги мавзудаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини кенг ёритиш, ОАВнинг кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий фикрни умумлаштириш ва ифода этиш борасидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш.

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори – 10 млн. сўм.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танловга қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза билан ихтиёрий шаклда тузилган кузатувчи хат.
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида келтирилган шаклда грант лойиҳасининг аризаси.
3. Ташкилотнинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳамма ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

Танлов бўйича юқорида келтирилган ҳужжатлар, шу жумладан CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан конвертда (А4 формат): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй" манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан, ҳар куни, шанба ва якшанба кунларидан ташқари, соат 9:00дан 17:00гача бир ой мобайнида 2010 йил 30 сентябрга қадар қабул қилинади.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилари ҳужжатларни сканер қилинган раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри билан grant-11-ngo@inbox.ru электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қуйидаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76, 239-84-42).

Танлов натижалари Фонднинг расмий сайтида эълон қилинади.

ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ БЕРИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

Сана: 28 август, 2010 йил.
Кредит рақами: 2191 - UZB (SF) – «Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳаси.
Шартнома номи: Электрон ахборот-таълим ресурсларини етказиб бериш.

1. Тендерга таклиф бериш муддатларини узайтириш мақсадида «Ma'rifat» газетасининг 2010 йил 28 июлдаги 59-сонида «Электрон ахборот-таълим ресурсларини етказиб бериш» бўйича берилган тендерга таклиф эълонининг 7-банди қуйидагича ўқилсин:

«7. Барча таклифлар ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилга **2010 йилнинг 20 сентябрь** куни Тошкент вақти билан **15:00дан** кеч қолмасдан топширилиши шарт. Таклифларда ҳар бир лот учун 500000 (беш юз минг) сўм миқдоридаги таклиф кафолати бўлиши шарт. Яъни, агар қатнашчи ҳамма лотлар учун таклиф топширса, 8000000 (саккиз миллион) сўм миқдорида таклиф кафолати тақдим этиши зарур. Хорижий қатнашчиларнинг таклиф кафолатлари юқорида келтирилган миқдорларнинг таклиф кафолати санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича АҚШ долларидаги эквивалентида бўлиши лозим. Кечиккан таклифлар рад этилади. Таклифлар қатнашишни истаган иштирокчилар вакиллари иштирокида **2010 йилнинг 20 сентябрь куни** Халқ таълими вазирлиги биносида **соат 15:30да** очилади.»

2. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги
Азизхон Акрамов, Лойиҳа менежери
Мустақиллик майдони, 5-уй
1-қават, 108-хона
Тошкент шаҳри, 100078
Телефон: (998 -71) 239-48-02
Факс: (998 -71) 239-48-03
Электрон манзил: ictbep@uzpak.uz

EXTENSION OF BID SUBMISSION DEADLINE

Date: 28th August 2010
Loan No.: 2191 - UZB (SF): ICT in Basic Education Project
Contract Title: Supply of Electronic Educational Resources for Basic Education Schools

1. Clause 7 of Invitation For Bids for supply of electronic educational resources that appeared in the «Ma'rifat» newspaper, issue #59 of 28th July 2010 shall be read as follows:

*«7. Bids must be delivered to the address given below at or before **3:00 pm** Tashkent time on **20th September 2010**. A Bid security shall be required. All Bids must be accompanied by a Bid Security in the amount of 500,000 (five hundred thousand) sums for each lot. Thus, for all lots the Bid security must be in the amount of 8,000,000 (eight million) UZS. International Bidders' Bid Security may be in USD at the exchange rate established by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan on the date of issue of the Bid Security. Late bids shall be rejected. Bids will be opened in the presence of the Bidders' representatives who choose to attend at **3:30 pm** on **20th September 2010** at the following address:*

The Ministry of Public Education
Conference Hall, 2nd floor
5 Mustakillik sq.
Tashkent, Uzbekistan»

2. Additional information can be obtained at the following address:

The Ministry of Public Education
of the Republic of Uzbekistan
A.Akramov, Project Manager
1st Floor, Room 108
5 Mustakillik sq.
Tashkent, 100078
Republic of Uzbekistan
Telephone: (998-71) 239-4802,
Fax: (998-71) 239-48-03
E-mail: ictbep@uzpak.uz

ХАЛҚАРО ТЕНДЕР ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Сана: 27 август, 2010 йил.
Лойиҳа номи: Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш.

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги ОПЕК халқаро ривожланиш ҳамда Саудия тараққиёт жамғармалари имтиёзли кредитлари иштирокида амалга оширилаётган "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи мазкур лойиҳа доирасида қўшимча 3 та мактаб қурилишини ва ушбу мактабларни қуриш учун пудратчи ташкилотларни танлаб олиш бўйича халқаро тендер савдолари ўтказилиши ҳақида маълум қилади.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги барча қонуний ҳуқуққа эга бўлган қурилиш ташкилотидан қуйидаги объектлар қурилиши бўйича муҳрланган таклифларни қабул қилади:

Лот 1: Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 37-сонли мактаб қурилиши.
Лот 2: Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 7-сонли мактаб қурилиши.
Лот 3: Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 20-сонли мактаб қурилиши.

3. Тендер ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида фаолият олиб бораётган Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (манзил: Тошкент ш. Мустақиллик майдони, 5-уй. 803-хона)дан олишингиз мумкин. Тендер ҳужжатларини, ҳар бир тўплами учун, ҳар қандай ҳолда қайтариб берилмайдиган 200 АҚШ доллари (маҳаллий иштирокчилар учун пул ўтказилаётган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича сўмдаги қийматида) миқдоридаги тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги тўлов талабномаси тақдим этилгандан сўнг олиш мумкин.
4. Тендер таклифлари танлов эълон қилинган кундан бошлаб 90 кун давомида ҳақиқий ҳисобланади. Иштирокчилар ўз таклиф ҳужжатлари билан бирга таклиф этилаётган нархнинг 2% миқдоридаги кафолат маблағи мавжудлигини тасдиқловчи банк маълумотномасини ҳам тақдим этишлари лозим. Тендер ҳужжатлари 2010 йил 27 сентябрь соат 16:00га қадар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи томонидан қабул қилинади.

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи
Мустақиллик майдони 5, 803-хона
100159, Тошкент, Ўзбекистон
Тел: +998 71 239-47-30
Факс: +998 71 239-17-05
E-mail: uzb_020@yahoo.com

ХОТИРА БУНЁДКОРЛИККА РУҲЛАНТИРАДИ

Кўҳна тарихимизга назар ташлар эканмиз, не-не алломалар, жаҳонгирлар, олиму фузалолар она тупроғимизда ўсиб-улғайиб, дунё тамаддуни бешигини тебратганининг гувоҳи бўламиз ва бундан кўксимиз ифтихорга тўлади. Ўзининг бутун ҳаётини халқ дардига малҳам бўлишга, миллат номусини асрашга тиккан аждодларимизнинг ҳаёт йўли ва тақдири бизни ҳар дам ибрат кўзи билан боқишга ва хулоса чиқаришга ундайди.

Истиқлолга эришган дастлабки йилларданоқ муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихий адолат ва ҳақиқатни тиклаш, буюк боболаримизнинг оламшумул ютуқларини элимиз ва жаҳон оммасига танитишга, халқпарварлик, бунёдкорлик ва айни пайтда ғурурланишга арзигулик ишларининг туб моҳиятини очиб беришга киришилди.


Юртбошимизнинг 1999 йил 12 майдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ўша йили 22 июлда қабул қилган "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори асосида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув канали бўйида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ҳамда 2001 йил 1 майдаги "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Президент Фармонига биноан қурилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи бу борадаги ишларнинг амалдаги ёрқин намунаси бўлди.

Истиқлол иншоотларидан бири саналадиган мазкур музейни барпо этишда миллий меъморчилик анъаналаримиз мужассам топган. Мажмуа марказида тик устунларга ўрнатилган феруза ранг гумбазли айвон (ротонда, баландлиги 27 метр) металл қурилмалардан ишланиб, Фозғон мармари билан қопланган, гумбаз ичига ганч ўймакорлигида зеб берилган. Гумбаз остидаги ҳандасий шакллардан нақшлар ҳосил қилиб безатилган мармар полда нефритдан ишланган сағана қатағон қурбонлари бўлган юртдошларимизнинг рамзий қабридир.

Мажмуа таркибига кирувчи музей эса Тошкент шаҳар меъморлик бош бошқармаси ҳамда "Усто" ижодий ишлаб чиқариш уюшмаси усталари томонидан барпо этилган бўлиб, унда ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, наққошлик, кошинкорлик санъати асосида бино безагида мармар, ҳақиқ, гранит тошлар ва рангли кошинлардан фойдаланилган.

Замонавийлик ва асрий анъаналаримизни ўзида акс эттирган бу ёдгорликлар бугун ўзлигимизни англашга, тарихимиз ва аждодларимиздан фахрланиш ҳиссини туюшга ва уларга муносиб авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиб келмоқда.

— Таъкидлаш керакки, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг нафақат тарбия, балки таълим тизимида ҳам ўрни катта, — дейди тарих фани бўйича "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", Яккасарой туманидаги 118-мактаб директори Бибисора Ҳасанова. — Биз ўқувчиларга тарих фанини ўқитарканмиз, маълум бир мавзуни фақатгина дарсликларда берилган маълумотлар ёки бошқа адабиётлар билангина тушунтирсак, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Маълумки, билиш жараёни нафақат ўқиш ва эшитиш, балки кўриш, у орқали идрок қилиш, тасаввурни жонлантириш ва шунинг асосида мустаҳкамлаш воситасида такомилга етиб боради. Шу боис юртимиз тарихининг Чор мустамлакачилиги даврини ўтарканман, болаларни "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуини зиёрат қилишга ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейини томоша қилишга олиб келаман. Жумладан, музейнинг илмий-тематик экспозицияси жуда бой. Уларни томоша қиларкан, ўқувчилар беихтиёр сукутга чўмади, ўша давр талотўпларини юракдан ҳис қилади. Бу эса ёшларнинг нафақат билимларини чуқурлаштиришга, балки тасаввурларини жонлантириб, уларни фикрлашга, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга чорлайди.



Музейнинг охирги бўлимида мустақиллик йилларига оид тарихий экспонатлар жой олган бўлиб, бу ерда қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган ишлар акс этган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг Конституцион Комиссия раиси Президент Ислом Каримов томонидан таҳрир қилинган нусхаси, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби давлат арбоблари ва тенгсиз саркардаларимиз, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқа юзлаб алломаларимиз хотирасининг тикланиши ва меъморий ёдгорликларининг қайта таъмирланиши акс этган сурат ва фактлар, "Авесто", "Алпомиш" каби маънавиятимиз сарчашмалари, уларни оммалаштиришга доир маълумотлар, истиқлол йилларида бунёд бўлган тарихий иншоотларнинг макетлари, ISESCO ташкилоти томонидан топширилган "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" рамзий калити ва бошқа экспонатлар томошабинда ватанпарварлик, миллий ғурур туйғусини шакллантирибгина қолмай, давлатимиз қудрати, шон-шавкатини жаҳонга намоён этиб тургандек.

Мазкур музей экспонатлари қаторидан Президентимизнинг ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этган "Ниҳол" мукофоти совриси, 2008 йили Тошкент шаҳрида кимё фанидан ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида ғолиб бўлган иқтидор эгаларининг ҳамда спортчиларимизнинг дунё ареналарида қўлга киритган олтин, кумуш, бронза медаллари, суратлари, Ватан ҳимоячилари учун таъсис қилинган ёрлиқ ва кўкрак нишонлари ҳам ўрин олган.

Бу экспонатлар орзулари осмон, юрт тараққиёти ва нуфузи учун ҳормай-толмай меҳнат қилишга тайёр ёшларни руҳлантириб туради, улуғ марралар сари дадил одимлашга даъват этади.

Зеро, ўз жонидан кечган фидойиларнинг нурафшон орзулари ижобати ўлароқ мустақиллигимиз бизга эркинликдек буюк неъматни, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишдек тенгсиз қудратни инъом қилди. Бунга муносиб бўлиш, озодлик учун жон берган аждодларимиз руҳларини шод этиш фарзандларимиз, ёшларимиз қалбига шу муқаддас туйғуни сингдириш эса бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Дилшод КАРИМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Qadriyat

МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС — ХАЛҚ БОЙЛИГИ

2007 йилда пойтахтимиздаги муҳташам ва дурдона маданий меросни ўзида жамлаган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий ёдгорлик мажмуаси қайта тикланди. Мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар қайтадан чирой очиб, нафақат халқимизнинг, балки чет эллик сайёҳларнинг ҳам ардоқли қадамжоларига, зиёратгоҳ масканга айланди.

Мустақилликнинг яна бир неъмати — тарихий ҳақиқат қайта тикланди, Ўзбекистон ўзининг бениҳоя бой маданий ва тарихий мероси билан бутун дунёга танилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ҳузуридаги Умумжаҳон мероси қўмитаси қарори билан 1991 йилда Хивадаги «Ичан қалъа», 1993 йилда Бухоронинг тарихий марказидаги маданият ва тарих ёдгорликлари, 2000 йилда Шаҳрисабзнинг тарихий марказларидаги ёдгорликлар, 2001 йилда Самарқанднинг тарихий марказларидаги ёдгорликлар «Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати»га киритилди.

Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар изчиллик ва узвийлик тусини олган. Жумладан, Тошкент шаҳридаги Минг Ўрик шаҳристони археологик ёдгорлиги, Кўкалдош мадрасаси, Шайхонтоҳур мақбараси, Тошкент қалъа девори, Жиззах вилоятидаги Саид ибн Ваққос масжиди, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Султон Мир Ҳайдар мажмуаси, Самарқанд шаҳридаги Шердор мадрасаси, Чорсу мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Навоий вилоятидаги Чашмаю Аюб мажмуаси, Хоразм вилоятидаги Ичанқалъа девори, Сайид Моҳи Рўйи Жаҳонда мажмуаси, Қибла тоза боғ саройи каби кўплаб тарихий-маданий мажмуаларда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

Серқуёш, сержило диёримизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш, маънавий-маърифий ишларнинг гувоҳи бўласиз. Бой маданий меросимиз дурдоналарининг тикланиши эса шаҳар ва қишлоқларимиз чиройига янада чирой, кўркига кўрк бағишлаб турибди. Бундай шиддатли тараққиётни кўриб, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг "Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган иморатларга боқ", деган сўзлари яна бир бор хаёлимиздан ўтади.

Ватанимиз мустақиллиги аждодларимиздан қолган маънавий меросларни, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш, муқаддас обидаларни файзли масканга айлантириш учун шарт-шароит яратди. Тарихий, маданий ва маънавий меросимизни ўрганиш, авайлаб-асраш ва келгуси авлодларга етказишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Мамлакатимиз ҳудудидаги дунё цивилизациясида катта ўрин тутган, асрлар давомида таркиб топган тарихий шаҳарларни, минглаб меъморий ёдгорликларни, жумладан икки мингдан ортиқ меъморчилик, уч мингдан ортиқ археологик обидаларни, мингга яқин монументал санъат ёдгорликларини ўрганиш, авайлаб-асраш, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, келажак авлодларга етказишга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланди.

Юртимизда маданият, маърифат, илм-фан соҳасида ўчмас из қолдирган халқимиз вакиллари, шунингдек, халқимизнинг узоқ ўтмишидан, маданиятидан, илм-фан, маърифат, бунёдкорлик ва бошқа соҳаларда эришган ютуқларидан далолат берувчи Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик, Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллик, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланди.

Буюк аждодларимизга бўлган эҳтиром, тарихий шаҳарларимизга бўлган эътибор натижасида мустабид тузум даврида ярим хароба аҳволга келиб қолган Бухородаги X–XII аср ёдгорликлари — Сомонийлар мақбараси, Калон масжиди, Мир Араб мадрасаси, Арк девори, Самарқанддаги XIV–XV аср ёдгорликлари — Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Бибихоним масжиди, Шаҳрисабздаги XIV–XV асрлар ёдгорликлари — Оқсарой арки, Дорус-Саодат мажмуаси, Хивадаги XIV–XVII асрлар ёдгорликлари — Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Қаршидаги Кўк Гумбаз мажмуаси, Одина масжиди, Бекмир, Абдулазизхон, Қиличбой мадрасалари, Ўрта аср кўприги ва бошқа обидалар тубдан таъмирланиб, келажак авлодлар учун сақлаб қолинди.

Шунингдек, юртимизда илм-фан, маданият, маърифат, фиқҳ ва давлатчилик ишларига муносиб ҳисса қўшган аллома аждодларимизнинг ўчмас хотирасига ва уларнинг асарларига ҳурмат кўрсатилиб, Самарқандда Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий, Фарғона ва Қувада Аҳмад ал-Фарғоний, Марғилонда Бурҳониддин ал-Марғиноний мақбараси, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда соҳибқирон Амир Темур, Тошкентда Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Урганчда Жалолиддин Мангуберди, Термизда Алпомиш, Андижонда Бобурнинг муаззам ҳайкаллари қад ростлади.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

2010/2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига киритилган таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар ижара тўпламига белгиланган ягона ижара тўлов миқдори

синф	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Тўпламдаги дарсликлар сони	Дарсликлар тўплами учун бир йиллик ижара нархи (сўм)
2	Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Атрофимиздаги олам, Одобнома, Тасвирий санъат, Мусиқа, Жисмоний тарбия.	9	6 800
3	Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Тасвирий санъат, Одобнома, Мусиқа, Жисмоний тарбия.	9	7 500
4	Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Жисмоний тарбия.	8	5 800
5	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Ботаника, Табиий география, Информатика, Ватан туйғуси.	9	5 000
5*	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Ботаника, Табиий география, Информатика, Ватан туйғуси, Чет тили.	10	5 700
6	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика	10	5 400
6*	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика, Чет тили.	11	6 100
7	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика.	13	6 500
7*	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чет тили.	14	7 100
8	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	16	9 100
8*	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	17	9 700
9	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	16	9 300
9*	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	17	10 000

Изоҳ: **1.** * синф тўплами чет тили дарслиги билан. Чет тили — 3та дарслик (инглиз, немис ва француз тили).

2. 8- ва 9-синфлар учун «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарслиги тўпламга бепул қўшиб берилади.

3. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган бир дона дарслик № 2064-Низомнинг 52-бандига асосан тикланади ёки тўланади.

2010/2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига киритилган таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар ижара тўпламига белгиланган ягона ижара тўлов миқдори

синф	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Тўпламдаги дарсликлар сони	Дарсликлар тўплами учун бир йиллик ижара нархи (сўм)
2	Узбек тили, Русский язык, Книга для чтения, Математика, Окружающий нас мир, Азбука этики, Физическое воспитание, Изобразительное исскуство, Музыка.	9	7 600
3	Узбек тили, Русский язык, Книга для чтения, Математика, Природоведение, Азбука этики, Физическое воспитание, Изобразительное исскуство, Музыка.	9	9 000
4	Узбек тили, Русский язык, Книга для чтения, Математика, Природоведение, Азбука этики, Музыка, Физическое воспитание.	8	7 000
5	Узбек тили, Русский язык, Литература, Рассказы по истории, Математика, Информатика, Ботаника, Физическая география, Чувство Родины.	9	5 000
5*	Узбек тили, Русский язык, Литература, Рассказы по истории, Математика, Информатика, Ботаника, Физическая география, Чувство Родины, Иностранный язык.	10	5 700
6	Узбек тили, Русский язык, Литература, История, Математика, Физика, Ботаника, География, Чувство Родины, Информатика.	10	5 900
6*	Узбек тили, Русский язык, Литература, История, Математика, Физика, Ботаника, География, Чувство Родины, Информатика, Иностранный язык.	11	6 500
7	Узбек тили, Русский язык, Литература, История Узбекистана, Всемирная история, Алгебра, Геометрия, Физика, Химия, Зоология, География, Идея национальной независимости и основы духовности, Информатика.	13	9 200
7*	Узбек тили, Русский язык, Литература, История Узбекистана, Всемирная история, Алгебра, Геометрия, Физика, Химия, Зоология, География, Идея национальной независимости и основы духовности, Информатика, Иностранный язык.	14	9 800
8	Узбек тили, Русский язык, Литература 1-2 часть, История Узбекистана, Всемирная история, Основы государства и права, Основы экономических знаний, Алгебра, Геометрия, Физика, Химия, Человек и его здоровье, География, Черчение, Идея национальной независимости и основы духовности, Основы информатики и вычислительной техники.	16	11 800
8*	Узбек тили, Русский язык, Литература 1-2 часть, История Узбекистана, Всемирная история, Основы государства и права, Основы экономических знаний, Алгебра, Геометрия, Физика, Химия, Человек и его здоровье, География, Черчение, Идея национальной независимости и основы духовности, Основы информатики и вычислительной техники, Иностранный язык.	17	12 400
9	Узбек тили, Русский язык, Литература 1-2 часть, История Узбекистана, Всемирная история, Основы конституционного права, Основы экономических знаний, Алгебра, Геометрия, Физика, Химия, Биология. Основы цитологии и генетики, Экономическая и социальная география мира, Идея национальной независимости и основы духовности, Черчение, Основы информатики и вычислительной техники.	16	12 800
9*	Узбек тили, Русский язык, Литература 1-2 часть, История Узбекистана, Всемирная история, Основы конституционного права, Основы экономических знаний, Алгебра, Геометрия, Физика, Химия, Биология. Основы цитологии и генетики, Экономическая и социальная география мира, Идея национальной независимости и основы духовности, Черчение, Основы информатики и вычислительной техники, Иностранный язык.	17	13 500

Изоҳ: **1.** * синф тўплами чет тили дарслиги билан. Чет тили — 3та дарслик (инглиз, немис ва француз тили).

2. 8- ва 9- синфлар учун «Информатика ва ҳисоблаш техника асослари» дарслиги тўпламга бепул қўшиб берилади.

3. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган бир дона дарслик № 2064-Низомнинг 52-бандига асосан тикланади ёки тўланади.

2010/2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига киритилган таълим қоракалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар ижара тўпламига белгиланган ягона ижара тўлов миқдори

синф	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Тўпламдаги дарсликлар сони	Дарсликлар тўплами учун бир йиллик ижара нархи (сўм)
2	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Атрофимиздаги олам, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	12 900
3	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	14 700
4	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Жисмоний тарбия.	9	10 400
5	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Информатика, Ботаника, Табиий география, Ватан туйғуси.	9	7 900
5*	Она тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Информатика, Ботаника, Табиий география, Ватан туйғуси, Чет тили.	10	8 600
6	Ўзбек тили, Она тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика.	11	8 500
6*	Ўзбек тили, Она тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика, Чет тили.	12	9 200
7	Ўзбек тили, Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика.	14	11 100
7*	Ўзбек тили, Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чет тили.	15	11 700
8	Ўзбек тили, Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	17	16 400
8*	Ўзбек тили, Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	18	17 000

9	Ўзбек тили, Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология.Цитология ва генетика асослари, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	17	17 500
9*	Ўзбек тили, Она тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари,	18	18 200
	География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.		

Изоҳ: **1.** * синф тўплами чет тили дарслиги билан. Чет тили — 3та дарслик (инглиз, немис ва француз тили).

2. 8- ва 9-синфлар учун «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарслиги тўпламга бепул қўшиб берилади.

3. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган бир дона дарслик № 2064-Низомнинг 52- бандига асосан тикланади ёки тўланади.

2010/2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига киритилган таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар ижара тўпламига белгиланган ягона ижара тўлов миқдори

синф	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Тўпламдаги дарсликлар сони	Дарсликлар тўплами учун бир йиллик ижара нархи (сўм)
2	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Атрофимиздаги олам, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	14 000
3	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	15 100
4	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Жисмоний тарбия.	9	10 800
5	Ўзбек тили, Тожик тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Информатика, Ботаника, Табиий география, Ватан туйғуси.	10	600
5*	Ўзбек тили, Тожик тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Информатика, Ботаника, Табиий география, Ватан туйғуси, Инглиз ёки Немис тили.	11	600
6	Ўзбек тили, Тожик тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика.	11	9 100
6*	Ўзбек тили, Тожик тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика, Чет тили.	12	9 800
7	Ўзбек тили, Тожик тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика.	14	11 500
7*	Ўзбек тили, Тожик тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология,География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чет тили.	15	12 100
8	Ўзбек тили, Тожик тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Чизмачилик, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	17	17 100
8*	Ўзбек тили, Тожик тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Чизмачилик, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	18	17 700
9	Ўзбек тили, Тожик тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	17	17 200
9*	Ўзбек тили, Тожик тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	18	17 900

Изоҳ: 1. * синф тўплами чет тили дарслиги билан. Чет тили — 3та дарслик (инглиз, немис ва француз тили).

2. 8- ва 9-синфлар учун «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарслиги тўпламга бепул қўшиб берилади.

3. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган бир дона дарслик № 2064-Низомнинг 52-бандига асосан тикланади ёки тўланади.

2010/2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига киритилган таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар ижара тўпламига белгиланган ягона ижара тўлов миқдори

синф	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Тўпламдаги дарсликлар сони	Дарсликлар тўплами учун бир йиллик ижара нархи (сўм)
2	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Атрофимиздаги олам, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	15 500
3	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	15 400
4	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Жисмоний тарбия.	9	11 100
5	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Ботаника, Информатика, Табиий география, Ватан туйғуси.	10	600
5*	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Ботаника, Информатика, Табиий география, Ватан туйғуси, Инглиз ёки Немис тили.	11	600
6	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика.	11	9 100
6*	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика, Чет тили.	12	9 800
7	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика.	14	12 000
7*	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология,География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чет тили.	15	12 500
8	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	17	17 500
8*	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	18	18 200
9	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология.Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	17	17 800
9*	Ўзбек тили, Қозоқ тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	18	18 500

Изоҳ: 1. * синф тўплами чет тили дарслиги билан. Чет тили — 3та дарслик (инглиз, немис ва француз тили).

2. 8- ва 9-синфлар учун «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарслиги тўпламга бепул қўшиб берилади.

3. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган бир дона дарслик № 2064-Низомнинг 52-бандига асосан тикланади ёки тўланади.

2010/2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига киритилган таълим қирғиз тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар ижара тўпламига белгиланган ягона ижара тўлов миқдори

синф	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Тўпламдаги дарсликлар сони	Дарсликлар тўплами учун бир йиллик ижара нархи (сўм)
2	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Атрофимиздаги олам, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	14 100
3	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	15 100
4	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Жисмоний тарбия.	9	10 800
5	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Ботаника, Информатика, Табиий география, Ватан туйғуси.	10	2 600
5*	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Рус тили, Тарихдан ҳикоялар, Математика, Ботаника, Информатика, Табиий география, Ватан туйғуси, Инглиз ва Немис тили.	11	2 600
6	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика.	11	8 900

(Давоми 14-бетда.)

2010/2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига киритилган таълим қирғиз тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар ижара тўпламига белгиланган ягона ижара тўлов миқдори

(Давоми. Боши 13-бетда.)

6*	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт,,Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика, Чет тили.	12	9 600
7	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика.	14	11 500
7*	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология, География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чет тили.	15	12 100
8	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	16	17 000
8*	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	17	17 600
9	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология. Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	17	17 500
9*	Ўзбек тили, Қирғиз тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология, Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	18	18 200

Изоҳ: 1. * синф тўплами чет тили дарслиги билан. Чет тили — 3та дарслик (инглиз, немис ва француз тили).

2. 8- ва 9-синфлар учун «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарслиги тўпламга бепул қўшиб берилади.

3. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган бир дона дарслик № 2064-Низомнинг 52-бандига асосан тикланади ёки тўланади.

2010/2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига киритилган таълим туркман тилида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар ижара тўпламига белгиланган ягона ижара тўлов миқдори

синф	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Тўпламдаги дарсликлар сони	Дарсликлар тўплами учун бир йиллик ижара нархи (сўм)
2	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Атрофимиздаги олам, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	14 100
3	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Тасвирий санъат, Жисмоний тарбия.	10	15 100
4	Ўзбек тили, Она тили, Ўқиш китоби, Рус тили, Математика, Табиатшунослик, Одобнома, Мусиқа, Жисмоний тарбия.	9	10 800
5	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Тариҳдан ҳикоялар, Математика, Информатика, Ботаника, Табиий география, Ватан туйғуси.	9	10 800
5*	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Тариҳдан ҳикоялар, Математика, Информатика, Ботаника, Табиий география, Ватан туйғуси, Инглиз ёки Немис тили.	11	3 000
6	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика.	11	8 900
6*	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Тарих, Математика, Физика, Ботаника, География, Ватан туйғуси, Информатика, Чет тили.	12	9 600
7	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология,География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика.	14	11 500
7*	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Зоология,География, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика, Чет тили.	15	12 100
8	Ўзбек тили,Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Чизмачилик, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	17	17 000
8*	Ўзбек тили,Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Одам ва унинг саломатлиги, География, Чизмачилик, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	18	17 600
9	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология.Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.	17	17 500
9*	Ўзбек тили, Туркман тили, Адабиёт, Рус тили, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Конституциявий ҳуқуқ асослари, Иқтисодий билим асослари, Алгебра, Геометрия, Физика, Кимё, Биология.Цитология ва генетика асослари, Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Чизмачилик, Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, Чет тили.	18	18 200

Изоҳ: 1. * синф тўплами чет тили дарслиги билан. Чет тили — 3та дарслик (инглиз, немис ва француз тили).

2. 8- ва 9-синфлар учун «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарслиги тўпламга бепул қўшиб берилади.

3. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган бир дона дарслик № 2064-Низомнинг 52-бандига асосан тикланади ёки тўланади.

ЁШЛАР МАНФААТИ

давлат ислоҳотлари марказида

Ёшлар ҳар қандай давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Уларга хос ғайрат, шижоат, ҳаракатчанлик, янгилик ва демократик тамойилларга интилиш каби хусусиятлар мамлакатнинг келажакдаги истиқболини белгилаб беришда бирламчи омил вазифасини бажаради. Ёшлар борасида тўғри сиёсат олиб бораётган давлатларнинг аксарияти, барча соҳаларда ижобий натижаларни қўлга киритаётгани айни ҳақиқат. Худди шу ҳолатни ёш авлоднинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш йўлида қатор ислоҳотлар олиб борилаётган Ўзбекистон мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг асл моҳияти инсонга, унинг мақсад ва интилишларига бўлган муносабатнинг ўзгарганида намоён бўлади. Барча ислоҳотлар инсон манфаати учун. Мана шу тамойилга асосан, ёшлар ҳам энди мамлакатда содир бўлаётган жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб бораётгани эътирофга лойиқ масала.

Аслида, ёшлик даврининг ўзи бир неча босқични қамраб олади. Ёш кўрсаткичларига қараб, уларнинг физиологик, биологик, психологик, жисмоний ва ақлий хусусиятларидаги ўзгаришлар эътиборга олинади. Шу нуқтаи назардан, республикамизда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимига катта аҳамият қаратилаётгани таълим соҳасида эришилган ютуқлардан биридир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларининг умумий сони 1508тани ташкил этади. Шундан 138таси академик лицей, 1370таси эса касб-ҳунар коллежларидир. Ушбу тизим 15—18 ёшдаги ўқувчиларга таълим беришни кўзда тутади. Маълумки, айни шу ёшда шахснинг дунёқараши, эътиқоди, ўз ҳаётига эгалик қилиш ҳисси шаклланади. Ушбу давр ўз-ўзини англаш, ўз келажагини белгилаш ёши саналади. Мазкур ёшда ўқувчилар ижтимоий-сиёсий ҳаёт моҳияти, воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ҳамкорлигини англашга интилади.

Бугун юртимизда 30 ёшгача бўлганлар умумий аҳолининг 64, 18 ёшгача бўлганлар эса 40 фоизини ташкил этмоқда. Ана шу 18 ёшгача бўлганларнинг 14 фоизи(1 млн. 483 592 нафар) академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ёшлардан иборат. Бу эса мамлакатимизда жорий этилган ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимига ҳар томонлама эҳтиёжнинг мавжудлигидан далолат беради.

Эсимда бор, 1982 йилда синфдош дўстим ўқишга кирган туман марказидаги «профтехучилище»га борганмиз. У ердаги шароитни кўриб, тўғриси жуда таажжубланганман. Кўриниши бир аҳволдаги бино, санитария ҳолатига жавоб бермайдиган ётоқхона, айниқса, таълим-тарбияга бўлган лоқайд муносабат ҳафсаламни пир қилган эди. Собиқ тузум даврида қанчадан-қанча иқтидорли ёшлар моддий жиҳатдан таъминлаш(кийим-бош, иссиқ овқат, стипендия) баҳонаси билан самарасиз ўқитиш тизими ихтиёрига юборилари. Ёшларнинг фикри ҳеч кимни қизиқтирмас, бундай таълим-тарбия тизимидан нашахс, на давлат манфаат кўрмаслиги кундек равшан эди. Оқибатда, жамиятдаги лоқайд, давлат ҳисобидан яшашга одатланиб қолган «боқиманда»ларнинг сони ортиб борган.

Албатта, ҳозирги ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини улар билан қиёслаб бўлмайди. Ўртада ер билан осмонча фарқ бор. «Таълим тўғрисида»ги кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва қонунга мувофиқ, бугунги кун ёшларида академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлаш имконияти мавжуд. Таълим олиш мажбурий бўлса-да, касб-ҳунар эгаллаши ёки ўқишни кейинги босқичда давом эттириши учун ёшларга тўлиқ имконият яратиб берилган.

Муҳими, натижа саъй-ҳаракатларни оқлаяпти. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган ёшларнинг мустақил ҳаётий позицияга эгалиги, қатъий қарор, ўзига ва келажакка бўлган ишонч билан олға интилаётгани юқоридаги гапнинг амалдаги исботидир. Шуни унутмаслик керакки, Ватан равнақи, унинг обрўси бевосита ёшлар камолоти, уларнинг ижтимоий-сиёсий соҳада тутган ўрни билан белгиланади.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
ТДЮИ катта ўқитувчиси

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ

олтин медаль орзуси келгуси олимпиадага қолдирилди

Сингапурда старт олган I ёзги ёшлар олимпиадаси ҳам ўз ниҳоясига етди. Осиёнинг ривожланган мамлакатларидан бирида ташкиллаштирилган дастлабки йирик мусобақа кутилганидан ҳам кўпроқ шов-шувларга, ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Муҳими, мазкур оламшумул мусобақа баҳонасида мураббийлар асосий олимпиада ҳисобланмиш — "Лондон—2012"га муносиб номзодларни саралаб олди.

Мухлислар Марина-бэй қўлтиғида қурилган муҳташам очиқ аренада кичик олимпиаданинг ёпилиш маросимини томоша қилишга тўпланди. Маросим Сингапур давлат мадҳияси янграши билан бошланди. Уни 12 ёшли қизалоқ Натанья Онг хор билан ижро этди.

Тадбирда сўзга чиққан Халқаро олимпия қўмитаси раиси Жак Рогге таассуротлари билан ўртоқлашаркан, жумладан шундай деди: "Ёшлар олимпиадаси биз кутгандан ҳам юксак савияда ўтди. Ишонамизки, бундан ёшлар ҳаммадан кўпроқ қувонди. Асли мақсадимиз ҳам шу эди". Шу тариқа, у мусобақалар расман ёпилганини эълон қилди.

Ўн икки кун мобайнида ловуллаб ёниб, спортчилар йўлини ёритиб турган машъала сўндирилиб, ёшлар олимпиадаси байроғи Хитойдан ташриф буюрган Наньцзин шаҳри вакилларига топширилди. Бу навбатдаги — 2014 йилги олимпиада ҳам Осиё қитъасида ўтказилишини билдиради.

Yoshlar olimpiadasi yakunlari

Хабарингиз бор, мазкур нуфузли мусобақа беллашувларида юртдошларимиз ҳам қатнашди, ўз иқтидорларини синовдан ўтказишди. Кумуш ва бронза медаллари қўлга киритилди.


Шундай қилиб, ортда қолган довондан ватандошларимиз жами саккизта медаль билан ўтишди. Ёш спортчиларимиз жамғарган 3та кумуш ва 5та бронза медаль эвазига Ўзбекистон терма жамоаси 204та иштирокчи орасида 58-ўринни эгаллади.

Умумжамоа ҳисобида хитойлик ёшлар ҳаммаси бўлиб 51 (30 олтин, 16 кумуш ва 5та бронза) медаль тўплаб, биринчи бўлди. Эсингизда бўлса, Пекинда ўтган катта Олимпиадада ҳам чинликлар биринчи бўлишганди. Уларнинг муваффақиятини ворислари муносиб давом эттирди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ёш спортчиларимизнинг ҳал қилувчи паллада йўл қўйган хатоларини тўғри таҳлил қилиш ва муносиб хулоса чиқариши, янада жиддийроқ шуғулланиб, маҳоратини ошириши учун имконият ҳам, вақт ҳам етарли. Бунинг учун халқимиз ишонч билдирган устоз-мураббийлар ҳам бор тажрибасини шогирдлари билан баҳам кўриши керак бўлади. Биз эса ғолиб спортчиларимизни қутлаймиз, уларга келгуси мусобақаларда зафар ёр бўлишини тилаймиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ

САМОВИЙ КЎРГАЗМА




Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида космонавтика соҳаси ютуқларини намойиш этадиган Иккинчи халқаро кўргазма «Space Expo-2010» ташкиллаштирилди. «Дейли Мэйл» газетасида баён қилинишича, анжуман доирасидаги аҳамиятли тадбирлардан бири бу космик лойиҳаларни тижорий мақсадларга йўналтириш муҳокама этилади.

Конференцияда Ҳиндистон, Европа, АҚШ, Россия ва Нигерия космик агентликлари вакиллари қатнашиб, унда самовий туризм, сунъий йўлдошлар ёрдамида ҳаракатланиш ускуналари, рақамли ахборот узатиш тизимларига асосий эътибор қаратилади.

Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, кўргазма ҳар икки йилда ўтказилиб, кўлами бўйича Осиёдаги энг йириги ҳисобланади. Уни ўтказиш жойи сифатида ҳам бежиз Бангалор шаҳри танланмаган: айнан шу ерда Ҳиндистон самовий тадқиқотлар агентлигининг асосий биноси жойлашган. Қолаверса, юқори технологиялар йўналишида фаолият олиб бораётган кўплаб компаниялар шу ҳудудда бўлгани боис Бангалор мамлакатнинг «Силикон водийси» номини ҳам олган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Ҳиндистон 2008 йили «Чандраян» учиш аппаратини Ойга чиқариб, самовий изланишлар соҳасида кескин бурилиш ясади. Қурилма белгиланган муддатдан камроқ вақт ишлаган бўлса-да, кўплаб қимматли маълумотлар, хусусан, ойда сув борлигини далилловчи ахборотни узатишга муваффақ бўлган. Ҳозирги кунларда мамлакатда «Чандраян-2» лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Унга кўра, яқин уч йил ичида Ойга унинг юзасида ҳаракатланадиган кичик қурилмани етказиш режалаштирилган. Шунингдек, ҳиндистонлик учувчиларнинг орбитага чиқарилиши борасида ҳам тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

ЧЕГАРАДА ТОПИЛДИ



Колумбия ва Эквадор олимлари илмий экспедиция пайтида икки мамлакат чегарасидаги Ла Бонита ҳудудида дунёдаги энг кичик бақага дуч келишди. «Нейчэ биосайнс» журналида мазкур янгилик чоп этилди.

Мутахассислар таъкидлашича, бу турдаги амфибия ҳайвоннинг энг катта вакили бор-йўғи 18 миллиметр бўлиши мумкин. Уруғочилари эса ундан ҳам кичик — 12 миллиметргача бўлади, холос.


Дунёдаги энг митти бақанинг танаси жигарранг тусда бўлиб, териси ўта юпқалигидан унинг таянч ҳаракат суяклари ҳам кўриниб туради. Мазкур ноёб турдаги жонзот биологияси китобларига Osornophryne cofanorum номи билан киритилди. Қолаверса, у чегара ҳудудида топилгани боис бир пайтнинг ўзида Жанубий Америкадаги ҳар иккала малакатларнинг Табиатни муҳофаза қилиш китобларидаги ҳайвонлар рўйхатидан жой оладиган бўлди.

ЭНГ ҚАДИМГИ ҲАЙКАЛЧА

Шотландияда олимлар неолит даврига тегишли энг қадимги ҳайкалчани топганини маълум қилди. science.compulenta электрон манбасида бу ҳақида маълум қилинди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аёл тимсолидаги қадимги ҳайкалтарошлик намуналарини Венера номи билан аташ археологлар ўртасида урфга айланган. Чунки харсанг, суяк ва майда тошлардан ясалган бу ҳайкаллар орқали ўтмишда ҳосилдорлик маъбудаси ҳисобланган Венера тасвирланган.

Шотландияда эса бу каби тарихий топилма аввал ҳам Оркней ороллари ҳудудида аниқлангани боис, Оркней Венераси номини олди. Тахминларга кўра, у 4 минг йил илгари яратилган бўлиб, Европанинг ушбу қисмида инсон тимсолини акс эттирган энг «кекса» неолит даври ҳайкалчаси ҳисобланарди. Лекин археологлар яқин кунларда яна битта шу каби ҳайкалчани топишга муваффақ бўлди. Эътиборлиси, иккинчи топилма аввалгисидан ҳам қадимийроқ экан.



Нортленд қишлоғи атрофида аниқланган мазкур ҳайкалтарошлик намунасининг баландлиги 5 сантиметрга тенг. Унинг устки қисмига кўплаб геометрик шакллар тасвири туширилган. Анъанага кўра, бу гал ҳайкалча ҳам олимлар томонидан Оркней Венераси деб аталди ва у 5 минг йил олдинги даврга тегишли экани таъкидланди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 51-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1998 йили Холмуҳамедова Сайёра Рустамовна номига берилган O'RD 464840 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 243-умумий ўрта таълим мактаби педагогик жамоаси она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси
Дилфуза ЯМИНОВАнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat
TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.
INDEKS: 149, 150.
G-722. Tiraji 27788.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Dilshod KARIMOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. Ⓜ belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA va Malohat TOSHEVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi 41-uy


Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.15
ЎзА якуни — 21.00

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI

“O‘QUV TA’LIM-TA’MINOT” davlat unitar korxonasi



барча юртдошларимизни, таълим тизимида самарали меҳнат қилаётган устозларимизни Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами билан қутлайди! Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, узоқ умр, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги сермашаққат ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!





«АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этади. Истиқлолимизнинг йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга эрк, халқимизга фаровонлик ато этгани абадий бўлсин!

“Агробанк”

замонавий, қулай ҳисоб-китоб ва жамғарма воситаси бўлган миллий ҳамда чет эл валютасидаги карточкаларини таклиф этади!

Миллий валютадаги пластик карточкалар учун 2010 йил 1 октябрдан бошлаб қуйида келтирилган тартибда фоизлар тўланади:

Жисмоний шахслар учун — йиллик 3 фоиз
“Талабалар учун” — йиллик 10 фоиз(имтиёзли)
“Ёш оилалар учун” — йиллик 12 фоиз(имтиёзли)

Чет эл валютасидаги Visa Cardлар:
Visa Electron / Visa Classic / Visa Gold

АГРОБАНК — ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ГОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!

Хизматлар лицензияланган